

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2015-yildan chiqqa boshlagan

2015-yil 6-son (noyabr-dekabr)

**Muassis:**

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi  
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

**Bosh muharrir:**

Sarvar MAHMUDOV

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**

Muhayyo UMARALIYEVA

**Mas'ul kotib:**

Nurbek TASHXANOV

**Badiiy muharrir:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Sahifalovchi:**

Muqaddas XAFIZOVA

**Tahrir hay'ati:**

Ulig'bek INOYATOV

Dilshod KENJAYEV

Risboy JO'RAYEV

Hikmatilla RASHIDOV

G'ayrat SHOUMAROV

Sharifjon ERGASHEV

Fayzulla AHMEDOV

Shavkat SHARIPOV

Maqsudjon YULDASHEV

Islom ZOKIROV

Alisher ZOKIROV

Hikmatilla DAMINOV

© "Xalq ta'limi axborotnomasi", 2015.

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq\_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

Jurnalda e'lon qilingan materiallarning mazmuniga tahririyat javobgar emas.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.

Bosishga ruxsat etildi: 05.10.2015-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32. Ofset bosma usuli.

Shartli b.t. 7,0. Adadi 13921 nusxa. -buyurtma.

	Umumiy o'rta ta'lim oluvchilarning yakuniy Davlat attestatsiyasi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida <b>2015-yil 5-yanvardagi 2-mh sonli</b> buyruq ..... 4
	Vasiylik va homiylik organlari tomonidan yetim bolalar va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalar turar joylarining saqlanib qolishini nazorat qilish qoidalariga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida <b>2015-yil 4-martdagi 5-mh, 5-q/q va 23-sonli qaror</b> ..... 8
	Ota-onalar tomonidan bolalarning bolalar musiqa va san'at maktablarida o'qishi uchun haq to'lash va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomning 24-bandiga o'zgartirish kiritish haqida <b>2015-yil 8-apreldagi 8-mh va 31-sonli qaror</b> ..... 11
	Jismoniy yoki psixik rivojlanishida nuqsoni bo'lgan o'quvchilarni bir ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasasidan boshqa ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasasiga yoki inklyuziv (uy-g'unlashgan) sharoitda ta'lim olishi uchun umumta'lim muassasasiga o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida <b>2015-yil 2-iyundagi 14-mh sonli</b> buyruq ..... 13
	"Umumiy o'rta ta'lim maktablari 11-sinflari, akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari bitiruvchilarining umumta'lim fanlari bo'yicha ta'lim tayyorgarligi darajasi va sifati monitoringini o'tkazish bo'yicha yo'riqnomani tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida <b>2015-yil 24-iyundagi 36/qq, 17-mh va 29-qq-sonli qaror</b> ... 24
	Ijodkor yoshlar respublika tanlovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida <b>2015-yil 30-iyuldagi 16-, 19-mh va 33/qq-sonli qaror</b> ..... 29
	Talabalar o'qishini ko'chirish va qayta tiklash Ishlarini tashkil etish to'g'risida <b>2015-yil 22-avgustdagi 240-sonli</b> buyruq ..... 38
	"Kamalak yulduzlari" bolalar ijodiyoti festivalining tuman (shahar) hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar bosqichlarini tashkil etish to'g'risida <b>2015-yil 28-avgustdagi 246-sonli</b> buyruq ..... 40
	2015-2020-yillarda ta'lim muassasalarida tarbiyalanuvchi va o'quvchilarning sog'lom o'qatlanishini ta'minlash yuzasidan chora-tadbirlar rejasini tasdiqlash to'g'risida <b>2015-yil 5-sentabrdagi 250-sonli</b> buyruq ..... 47
	Xalq ta'limi tizimida "Yilning eng faol ma'naviyat targ'ibotchisi" Respublika ko'rik-tanlovini tashkil etish to'g'risida <b>2015-yil 8-sentabrdagi 253-sonli</b> buyruq ..... 54
	"Konstitutsiya – baxtimiz poydevori" Respublika ko'rik-tanlovini o'tkazish to'g'risida <b>2015-yil 8-sentabrdagi 254-sonli</b> buyruq ..... 62
	Xalq ta'limi vazirligi tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirish to'g'risida <b>2015-yil 8-sentabrdagi 255-sonli</b> buyruq ..... 65
	Futbol bo'yicha davlat ixtisoslashtirilgan maktab-internetlarining tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida <b>2015-yil 8-sentabrdagi 256-sonli</b> buyruq ..... 67
	2015/2016-yil qish-bahor mavsumi uchun asosiy turdagi qishloq xo'jaligi mahsulotlarini zahiraga jamg'arish ishlarini tashkil etish to'g'risida <b>2015-yil 12-sentabrdagi 259-sonli</b> buyruq ..... 77
	Respublika ta'lim markazi huzuridagi Ilmiy-metodik kengashlar faoliyati samaradorligini oshirish to'g'risida <b>2015-yil 28-sentabrdagi 45- va 36/qq-sonli qaror</b> ..... 84
	O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tizimidagi umumta'lim maktablari o'quvchi-qizlari o'rtasida "Orasta qizlar" ko'rik-tanlovini o'tkazish to'g'risida <b>2015-yil 30-sentabrdagi 270-sonli</b> buyruq ..... 95
	Maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyatini o'rganish hamda amaliy yordam ko'rsatish to'g'risida <b>2015-yil 2-oktabrdagi 273-sonli</b> buyruq ..... 105
	Nodavlat ta'lim muassasalariga amaliy – metodik yordam ko'rsatish to'g'risida <b>2015-yil 10-noyabrdagi 303-sonli</b> buyruq ..... 111

## KIRISH

Mamlakatimizda ta'lim sohasida shunday tizim ishlab chiqildiki, bugun har bir o'quvchi-yoshlarning intellektual salohiyatga, yuksak bilim va ko'nikmaga ega bo'lishida ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar asosiy poydevor bo'lib xizmat qilmoqda.

Bu jarayonda, albatta, ta'lim tizimida qabul qilinayotgan qonunlar va qonunosti hujjatlarining qay darajada amaliyotga tatbiq etilishi barcha yutuqlar omili ekanini unutmasligimiz kerak.

Sohaga doir qabul qilinayotgan buyruqlarni umumiy o'rta ta'lim maktablarining o'qituvchi-pedagoglariga yetkazib berishda "Xalq ta'lim axborotnomasi" muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni inobatga olib nashrimiz sahifalarida O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining buyruqlari muntazam berib borilmoqda.

Ushbu sonda 2015-yil 28-sentyabrdagi Respublika ta'lim markazi huzuridagi ilmiy-metodik kengashlar faoliyati samaradorligini oshirish to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 45-sonli, hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 36/QQ-sonli qarori umumiy o'rta ta'lim muassasalari uchun fan yo'nalishlari bo'yicha, Davlat ta'lim standartlari asosida o'quv dasturlari, darsliklar, metodik qo'llanmalar, tavsiyalar hamda ko'rgazmali materiallarni, o'quv-pedagogik hujjatlarni nashrga tavsiya etish tarkibini belgilashdan iboratdir.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining 2015-yil 5-sentyabrdagi "2015-2020 yillarda ta'lim muassasalarida tarbiyalanuvchi va o'quvchilarning sog'lom ovqatlanishini ta'minlash yuzasidan chora-tadbirlar rejasini tasdiqlash to'g'risida"gi 250-sonli buyrug'i ta'lim muassasalari oshxona va bufetlarida sanitariya-gigiyena talablariga mos ravishda sharoitlar yaratish, tarbiyalanuvchi va o'quvchilar, pedagoglar, otionalarda sog'lom ovqatlanish qoidalariga amal qilish yuzasidan bilim va ko'nikmalarni mustahkamlashga xizmat qiladi.

Darvoqe, bugun yurtimizda o'quvchi-yoshlarning ta'lim-tarbiya olishlariga, ularning kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishlari uchun davlatimiz va hukumatimiz tomonidan ulkan g'amxo'rlik qilinmoqda. Shu bilan birga, farzandlarimizning to'g'ri ovqatlanishi uchun ham qayg'urilayotgani buyuk kelajak egalaringing jismonan sog'lom bo'lishini ta'minlaydi. Zero, jismonan sog'lom bo'lgan o'quvchigina yurt koriga kamarbasta bo'lib voga yetadi.

Xullas, Xalq ta'limi vazirining yuqorida nomlari zikr etilgan har ikkala buyrug'i tizimda xizmat qilayotgan har bir murabbiy, o'qituvchi, pedagog va rahbar kadrlarning zarur qo'llanmasi sifatida ularning har birining ish stolidan ustida turishi lozim.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 05 январь

2-мҳ-сонли

**Б У Й Р У Ғ И**

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ  
ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-1**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги 52-сонли “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****У.Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг  
2015 йил 05 январдаги 2-мҳ-сонли буйруғига  
ИЛОВА*

**Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний  
давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 7-бандда:

биринчи хатбошидаги “иншо” деган сўз “баён ёки иншо” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида педагогик кенгашнинг қарори билан тегишли фандан қўшимча якуний аттестация киритилиши мумкин. Имтиҳон билетлари, тест топшириқлари мактаб методик бирлашмалари томонидан тайёрланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.”.

3. 10-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар куйидаги тахрирда баён этилсин:

“тегишли фан ёки унга яқин бўлган фан ўқитувчисидан битта ассистент.

Тегишли фан бўйича якуний аттестацияни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича жавобгарлик мазкур фан бўйича тузилган якуний аттестация комиссияси раиси зиммасига юклатилади.”;

еттинчи хатбошидаги “фуқароларни” деган сўз “фуқароларнинг” деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 11-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилади. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.”.

5. 16-банддаги “�қувчиларга” деган сўз “Битирувчиларга” деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 17-банддаги “Ўтказиладиган”, “Иншо ёки баён” ва “Ўқувчига” деган сўзлар тегишлича “ёзиладиган”, “Баён ёки иншо” ва “Битирувчига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 18-банднинг биринчи хатбошисидаги “иншо” ва “Ўз иншоларига” деган сўзлар тегишлича “баён ёки иншо” ва “ёзаётган баён ёки иншоларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги “иншолари, баёнлари,” деган сўзлар “баёнлари, иншолари ва” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 25-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Битирувчиларга она тилидан баён ёзиш учун 3 астрономик соат (иншо ёзиш учун 4 астрономик соат), математикадан ёзма иш учун 3 астрономик соат, тест-синов топшириқлари берилиши кўзда тутилган бўлса, уларни бажаришга ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 2 дақиқа, аниқ фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 3 дақиқа вақт ажратилади.”

10. 26-бандда:

биринчи хатбошидаги “битирувчи ўқувчининг” деган сўз “битирувчининг” деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Билет саволига жавоб бера олмаган битирувчига якуний аттестация комиссияси томонидан иккинчи маротаба билет олишга рухсат берилади. Битирувчи олган иккинчи билетга ҳам жавоб бера олмаса, унга якуний аттестациянинг баҳоси сифатида “қониқарсиз” баҳо қўйилади ва учинчи маротаба билет олишга рухсат берилмайди.”

11. 32-банддаги “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида” ва “туман (шаҳар) халқ таълими бўлими” деган сўзлар тегишлича “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида” ва “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 33 ва 37-бандлардаги “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари” деган сўзлар “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Чет элда таълим олган (ота-онаси хорижда ишлаган даврда ёхуд турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисо-

бидан хорижда таълим олган) битирувчиларни якуний аттестацияга қўйиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Битирувчи ўқиган мамлакатада умумий ўрта ва ўрта таълим ҳужжатларини олган бўлса, улар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нострификация қилинади.

Битирувчига чет мамлакатларда берилган умумий ўрта таълим ҳужжати Ўзбекистон Республикасида бериладиган шаходатнома ўрнини боса олмаса, яъни битирувчи маълум бир фанлар йўналишидагина таълим олиб келган бўлса, у умумий тартибда якуний аттестацияга киритилади. Бундай ҳолларда битирувчи ўзига берилган ҳужжатда кўрсатилган фанлардан бошқа барча фанлар бўйича якуний аттестациядан ўтказилади.

Битирувчига якуний баҳони қўйишда унинг аввалги синфларда олган баҳолари ҳам инобатга олинади.”.

14. 36-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Йиллик баҳо ва якуний аттестация натижаларига кўра, умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари талабларини бажармай, “қоникарсиз” баҳо олган битирувчилар шу синфда қайта ўқишга қолдирилади.”.

15. 38-бандда:

биринчи хатбошидаги “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари” деган сўзлар “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

16. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 26 январь, 3-сон, 36-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

**ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН  
ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН  
БОЛАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ САҚЛАНИБ ҚОЛИШINI  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189-1**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 декабрдаги 338-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 46, 206-ққ ва 29-сон қарори (рўйхат рақами 2189, 2011 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 4-5-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 04 март,  
5-мҳ-сон*

**У. Иноятов**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 04 март,  
5-қ/қ-сон*

**А. Абдуҳакимов**

**Соғлиқни сақлаш вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 04 март,  
23-сон*

**А. Алимов**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирлигининг  
2015 йил 26 январдаги 5-мх, 5-қ/қ ва 22-сон қарорига  
ИЛОВА*

**Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим  
болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар  
турар жойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Васийлик ва ҳомийлик органи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойларининг ноқонуний сотилганлиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, аниқланган кундан бошлаб беш кун ичида битимни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.”.

2. 20-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Қоидалар талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.”.

3. Ушбу ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан келишилган.

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 16 март, 10-сон, 122-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОЛАЛАРНИНГ БОЛАЛАР МУСИҚА  
ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ВА  
УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИНГ  
24-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898-2**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрда-  
ги ПҚ-2270-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий  
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети пара-  
метрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республика-  
си Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия  
вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46 ва 121-сон қарори (рўйхат  
рақами 1898, 2009 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 65-модда) билан тасдиқланган  
Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат  
мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби  
тўғрисидаги низомнинг 24-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“24. Ўқиш учун ота-оналар тўловидан тушган маблағлар би-  
ринчи навбатда болалар мусиқа ва санъат мактабларини сақлаш  
харажатларига (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ягона  
ижтимоий тўлов бундан мустасно) йўналтирилади. Тушумларнинг  
қолган қисми қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) 40 фоизгача – мактаб педагог ходимлари умумий сонининг  
кўпи билан 50 фоизини қамраб олган ҳолда ўқитувчи ва концерт-  
мейстерлар базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача бўлган  
миқдорда ҳар ойлик устамалар шаклида рағбатлантиришга, шу-  
нингдек, ўқувчилари халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда 1, 2,

3, 4-ўринларни эгаллаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тегишинча энг кам ойлик иш ҳақининг 10, 9, 8, 7 баробари миқдорида, республика танловларида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаганлиги учун эса тегишинча энг кам иш ҳақининг 6, 5, 4 баробари миқдорида мукофотлашга;

б) 20 фоизгача – ўқувчи, ўқитувчи ва концертмейстерларни танловлар, фестиваллар, устоз сабоқлари ҳамда ижодий мактаблардаги машғулотларга бориши, шунингдек, ўқувчиларнинг театр, музей, концертларга ташрифи билан боғлиқ харажатларини тўлашга, мактабда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга;

в) қолган маблағлар – мавжуд кредиторлик қарзларини қоплашга ва моддий-техник базани мустаҳкамлашга (бино ва иншоотларни, мебель, мусиқа асбоблари ва жиҳозларни капитал ва жорий таъмирлашга, шунингдек, мебель, ускуналар, мусиқа асбоблари, ўқув қўлланмалари, адабиётлар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олишга).”.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 8 апрель  
8-мҳ-сон*

**У. Иноятов**

**Молия вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 8 апрель,  
31-сон*

**Р. Азимов**

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 4 май, 17-сон, 212-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 2 июнь

14-мҲ-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

ЖИСМОНИЙ ЁКИ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ  
БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ БИР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИДАН БОШҚА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИГА ЁКИ ИНКЛЮЗИВ (УЙҒУНЛАШГАН) ШАРОИТДА  
ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА  
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2685**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 2 июндаги 14-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Муқаддима

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Ўқувчини синфдан синфга ўтказиш

3-боб. Ўқувчини бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш

4-боб. Ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш

5-боб. Ўқувчини мактаб-интернатдан инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказиш

6-боб. Ўқувчини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш

7-боб. Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш

8-боб. Яқуний қоидалар

1-илова. Кетиш талони

2-илова. Келиш талони

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни (бундан буён матнда ўқувчилар деб юритилади) синфдан синфга, бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига (бундан буён матнда мактаб-

интернат деб юритилади) ёки инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**синфдан синфга ўтказиш** – ўқувчини мактаб-интернатнинг бир синфидан бошқа параллел синфига ўтказиш;

**бир хил турдаги мактаб-интернат** – ўқувчиларнинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги ташхис натижалари бўйича ихтисослашувига кўра бир турга мансуб мактаб-интернат;

**бошқа турдаги мактаб-интернат** – ўқувчиларнинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги ташхис натижалари бўйича ихтисослашувига кўра бир турга мансуб бўлмаган мактаб-интернат.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказишга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3. Ўқувчиларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш масалалари умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи шахсларнинг таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўқувчиларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш бепул амалга оширилади.

## 2-БОБ. ЎҚУВЧИНИ СИНФДАН СИНФГА ЎТКАЗИШ

5. Ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини синфдан синфга ўтказиш ҳуқуқига эга.

6. Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат қилади.

7. Мактаб-интернат директори аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб бир иш куни ичида кўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

8. Синфдаги ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган тақдирда, мактаб-интернат директори ўқувчини синфдан синфга ўтказишни рад қилиши мумкин.

9. Синфдан синфга ўтказиш рад этилганлиги ҳақида мактаб-интернат директори томонидан уч кун ичида ота-оналарга ёзма равишда маълум қилинади.

10. Мактаб-интернат директорининг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

11. Ўз синфдошларига нисбатан уч ва ундан ортиқ катта ёш фарқи бўлган психик ривожланиши суст ёки ақли заиф болалар бир синфда камида икки чорак таълим олгач, уларнинг билим, кўникма ва малака даражасини инобатга олган ҳолда мактаб-интернатнинг тиббий ва педагог ходимлари хулосаси асосида педагогик кенгаш қарори билан фақат бир синф юқорига кўчирилиши мумкин.

### **3-БОБ. ЎҚУВЧИНИ БИР ХИЛ ТУРДАГИ БОШҚА МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА ЎТКАЗИШ**

12. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у туғанидан сўнг фарзандини бир мактаб-интернатдан бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш ҳуқуқига эга.

13. Ота-оналар фарзандини бир мактаб-интернатдан бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат қилади.

14. Ариза мактаб-интернат директори томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилади ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернатга тақдим этиш учун ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда мактаб-интернатдан кетиш талони берилади.

15. Ота-оналар фарзанди ўқишни давом эттириши учун танланган мактаб-интернат директорига ўқишга қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади. Аризага мактаб-интернатдан кетиш талони ва яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома илова қилинади.

16. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори ариза ва мактаб-интернатдан кетиш талонини қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ота-оналарга ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатга тақдим этиш учун ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда мактаб-интернатга келиш талонини беради.

17. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори мактаб-интернатга келиш талонини қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида

ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

18. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади:

ўқувчининг мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

ўқувчининг тиббий картаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (бундан буён матнда халқ таълими бошқармалари деб юритилади) ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг (бундан буён матнда психологик-тиббий-педагогик комиссия деб юритилади) ўқувчини мактаб-интернатга юбориш учун асос бўлган хулосаси;

халқ таълими бошқармасининг ўқувчини мактаб-интернатга юбориш тўғрисидаги йўлланмаси.

19. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, мактаб-интернатга келиш талони ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорининг ўқувчининг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

20. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори бошқа мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

21. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

22. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

23. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида ёки мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

#### 4-БОБ. ЎҚУВЧИНИ БОШҚА ТУРДАГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА ЎТКАЗИШ

24. Ўқувчи психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига ва ақлий лаёқатига кўра бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказилиши мумкин.

25. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у туғанидан сўнг фарзандини бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш ҳуқуқига эга.

26. Ота-оналар фарзандини бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда халқ таълими бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

27. Ариза психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2519, 2013 йил 24 октябрь) мувофиқ қўриб чиқилади.

28. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ижобий хулосаси олингач, халқ таълими бошқармаси томонидан шу куннинг ўзида ота-оналарга ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернатга тақдим этиш учун ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисида йўлланма берилади. Йўлланма берилганлиги ҳақида ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатга хат орқали маълум қилинади.

29. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори халқ таълими бошқармаси томонидан юборилган хатни олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади.

30. Ота-оналар халқ таълими бошқармаси томонидан берилган ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисидаги йўлланмани психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси ҳамда мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорига тақдим этади. Мактаб-интернат директори шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

31. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани бир

иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

32. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, халқ таълими бошқармасининг ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисида йўлланма берилганлиги ҳақидаги хати ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорининг ўқувчининг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

33. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори бошқа мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

34. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида ёки мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

#### **5-БОБ. ЎҚУВЧИНИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТДАН ИНКЛЮЗИВ (УЙЎНЛАШГАН) ШАРОИТДА ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН МАКТАБГА ЎТКАЗИШ**

35. Ўқувчининг жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонни енгил даражада бўлиб (психик ривожланишнинг орқада қолиши, енгил даражадаги ақли заифлик, заиф эшитувчи, заиф кўрувчи, болалар церебрал фалажи ва бошқалар), унинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган тақдирда, мактаб-интернатдан инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказилиши мумкин.

36. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у туғанидан сўнг фарзандини мактаб-интернатдан инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказиш ҳуқуқига эга.

37. Ота-оналар фарзандини мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда халқ таълими бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

38. Ариза психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан Болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2519, 2013 йил 24 октябрь) мувофиқ кўриб чиқилади.

39. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ижобий хулосаси олингач, халқ таълими бошқармаси томонидан шу куннинг

Ўзида ўқишни давом эттириш учун танланган мактабга тақдим этиш учун ўқувчини мактабга ўтказиш тўғрисида йўлланма берилади. Йўлланма берилганлиги ҳақида ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатга хат орқали маълум қилинади.

40. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори халқ таълими бошқармаси томонидан юборилган хатни олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирилганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади.

41. Ота-оналар халқ таълими бошқармаси томонидан берилган ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисидаги йўлланмани психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси ҳамда мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директори тақдим қилади. Мактаб директори шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

42. Мактаб директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқдан кучирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

43. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, халқ таълими бошқармасининг ўқувчини мактабга ўтказиш тўғрисида йўлланма берилганлиги ҳақидаги хати ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директорининг ўқувчининг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

44. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директори мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

45. Мактаб-интернат директорининг ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруғи ҳамда мактаб директорининг ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

## 6-БОБ. ЎҚУВЧИНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ЎТКАЗИШ

46. Ота-оналар ўқиш, ишлаш, узоқ муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда доимий ёки вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётган бўлса, фарзандини доимий ёки вақтинча яшаш учун кетаётган давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

47. Ота-оналар фарзандини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат этади. Аризага туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вояга етмаганни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш учун розилиги акс этган қароридан кўчирма илова қилинади.

48. Ариза мактаб-интернат директори томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилиб, ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилинади. Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатларни олганлиги тўғрисида тилхат олади.

49. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

50. Ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинган, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтари тегишли ёзув киритилади.

51. Мактаб-интернат директори томонидан хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказилаётганлиги сабабли ўқувчилар сафидан чиқарилган вояга етмаганлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда ҳар ўқув йили чораклари охирида тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига (бошқармасига) ва туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга тақдим этилади.

## 7-БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА- СИДАГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА ЎТКАЗИШ

52. Ота-оналар хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фарзандини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш ҳуқуқига эга.

53. Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

### 8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

54. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб-интернатга (мактабга) ўтказилган ўқувчи ўн кун ичида сабабсиз ёки мактаб-интернат (мактаб) раҳбарияти ва синф раҳбарини хабардор қилмасдан дарс машғулотларига келмаса, мактаб-интернат (мактаб) директори бу ҳақда ота-оналарни, ўқувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни ҳамда ўқувчи илгари таълим олган мактаб директорини ёзма равишда огоҳлантиради ва бир вақтнинг ўзида ўқувчининг дарсларга келмаганлиги сабабларини аниқлаш ва уни дарс машғулотларига жалб этиш чораларини кўради.

55. Жиноят содир этган вояга етмаганларни мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг розилиги билан амалга оширилади.

56. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

57. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Низомга  
1-ИЛОВА*

\_\_\_\_\_  
(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

\_\_\_\_\_-сонли мактаб-интернатдан  
**КЕТИШ ТАЛОНИ**

Ушбу талон 20 \_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_  
тумани (шаҳри)даги \_\_\_\_\_-сонли мактаб-интернатнинг \_\_\_\_\_-синф ўқувчиси

\_\_\_\_\_  
(ўқувчининг Ф.И.О.)

бошқа мактаб-интернатга ўтказилаётганлигини тасдиқлаш учун берилди.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(мактаб-интернат  
директорининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Мактаб-интернат  
директорининг телефон  
рақами: \_\_\_\_\_

*Низомга  
2-ИЛОВА*

\_\_\_\_\_  
(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

\_\_\_\_\_-сонли мактаб-интернатга  
**КЕЛИШ ТАЛОНИ**

Ушбу талон 20 \_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_  
тумани (шаҳри)даги \_\_\_\_\_-сонли мактаб-интернатнинг \_\_\_\_\_-синф ўқувчиси

\_\_\_\_\_  
(ўқувчининг Ф.И.О.)

у \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)даги \_\_\_\_\_-сонли мактаб-  
интернатга кетиш талонини топширганлигини тасдиқлаш учун берилди.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(мактаб директорининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Мактаб-интернат  
директорининг телефон  
рақами: \_\_\_\_\_

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 22 июнь, 24-сон, 320-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС,  
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

“УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ 11-СИНФЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИ МОНИТОРИНГИНИ ЎТҚАЗИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1804-1**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 июлдаги ПҚ-1157-сонли “Олис аҳоли пунктларидаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчилари ўқишини давом эттиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 22 апрелдаги 01-128/ҚҚ, 16 ва 14/ҚҚ-сонли “Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторинги-

ни ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига (рўйхат рақами 1804, 2008 йил 5 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 19-сон, 167-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Ж. Исмоилов**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 24 июнь,  
36/ҚҚ-сон*

**Халқ таълими вазири**

**У. Иноятов**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 24 июнь,  
17-мҳ-сон*

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими  
маркази директори**

**У. Салимов**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 24 июнь,  
29-ҚҚ-сон*

*Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази,  
Халқ таълими вазирлиги ҳамда  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар  
таълими марказининг 2015 йил 24 июндаги  
36/ҚҚ, 17-мх ва 29-ҚҚ-сонли қарорига  
ИЛОВА*

**“Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик  
лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг  
умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва  
сифати мониторингини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш  
тўғрисида”ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирув-  
чиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргар-  
лиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”;**

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчи-  
ларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги да-  
ражаси ва сифати мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.”

2. Йўриқномада:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирув-  
чиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргар-  
лиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги йўриқнома”;**

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Таълим  
тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги  
қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 29 октябрдаги 473-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 24 июндаги 293-сон  
“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дав-  
лат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги  
қарорларига мувофиқ, академик лицей ва касб-хунар коллежлари

битирувчиларининг (бундан буён матнда битирувчилар деб юритилади) умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш (бундан буён матнда мониторинг деб юритилади) тартибини белгилайди.”;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мониторинг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда ДТМ деб юритилади) томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда ташкил этилади ҳамда ўтказилади. Мониторинг ўтказиш муддати тўғрисида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари олдиндан огоҳлантирилади.”;

г) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Мониторинг ўтказишнинг асосий мақсади ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мунтазам кузатиб бориш орқали битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатига оид ҳолис маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда улар асосида хулосалар тайёрлаб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиши учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказини ахборот билан таъминлаш.”;

д) 4 ва 5-бандлардан “умумий ўрта,” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

е) 6-банддаги “ҳар ўқув йилининг тугаши арафасида 15 апрелдан 25 майгача бўлган муддатда умумий ўрта,” деган сўзлар “ҳар йили май-июнь ойларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 7-банддан “халқ таълими ҳамда” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

з) 8-банддан “ва халқ таълими” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

и) 9, 10 ва 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Мониторинг ўтказиш учун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини танлаб олиш усулига ёндошилиб, бунда таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашуви, таълим тили ва тайёрлов йўналишлари хусусиятлари эътиборга олинади.

10. Мониторинг ўтказиш учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маркази, туманлари кесимида) ихтиёрий (академик лицейлардан 1 та, касб-ҳунар коллежларидан йўналишлар бўйича 7 та) танланади ва мониторинг натижалари таҳлили асосида битирувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати ҳақида хулоса чиқарилади.

11. Мониторинг ўтказиладиган туманлар ва таълим муассасалари тегишли ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинади.”;

к) 12-бандда:

тўртинчи хатбошидан “мактаблардан 4 таси (2 та ўзбек, 1 та рус ва 1 та фанларни чуқурлаштириб ўқитадиган мактаблар),” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидан “3 тадан мактаб (1 та туман маркази, 2 та кишлоқ мактаблари) ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

л) 14-банддан “(мактабларда ўқувчиларнинг 3-чорак якунлари бўйича баҳолари)” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

м) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Мониторинг гуруҳи томонидан таълим муассасасида ўзлаштириш кўрсаткичи ўртача бўлган 1 та битирувчи гуруҳ танланади.”;

н) 16-банддан, “Халқ таълими вазирлиги ёки” ҳамда “халқ таълими бошқармаси,” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

о) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Танланган гуруҳ битирувчиларидан ўқув режадаги умумтаълим фанларининг учтасидан Давлат тест маркази Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда назорат иши (тест ёки ёзма иш) ўтказади.”;

п) 20-бандда:

олтинчи хатбошидан “умумий ўрта ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги “соат 10.00 да битирувчилар учун тест синовлари бошланади” деган сўзлар “тест синовлари соат 9.00 да (2-сменада соат 14-00 да) бошланади” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги “барча фанлар бўйича тест синовлари ни бажариш учун ўқувчиларга икки астрономик соат берилади” деган сўзлар “математика, физика, биология, кимё, информатика ва география фанларининг 1 та саволига 3 минут, қолган фанлардан 1 та саволга 2 минут вақт берилади” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 22-банддан “ва назорат ишлари тугамагунча аудиториядан ҳеч ким чиқарилмайди” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

с) 27-банддан “умумий ўрта ва” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 6 июль, 26-сон, 347-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС,  
КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ**

**Қ А Р О Р И**

ИЖОДҚОР ЁШЛАР РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2705**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ижодкор ёшлар республика танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Маданият ва спорт ишлари вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 30 июль,  
16-сон*

**Б. Ахмедов**

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 30 июль,  
19-мҳ-сон*

**У. Иноятов**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
маркази директори**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 30 июль,  
33/ққ-сон*

**У. Салимов**

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,  
Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар  
таълими марказининг 2015 йил 30 июлдаги  
16, 19-мх, 33/ққ-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ижодкор ёшлар республика танловларини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Муқаддима

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Танловни болалар мусиқа ва санъат

мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиш

3-боб. Танловни ўрта махсус, касб-хунар таълими  
муассасалари ва ихтисослаштирилган мусиқа-бадий  
мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида ўтказиш

4-боб. Танловни ўрта махсус, касб-хунар таълими  
муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиш

5-боб. Танловларни ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш

6-боб. Яқуний қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ижодкор ёшлар республика танловларини (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Танловлар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари) ва ихтисослаштирилган мусиқа-бадий мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

2. Қуйидагилар танловларнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:  
ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилиш;

ўқувчиларда ўзлари танлаган ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш;

ўқувчиларнинг келажакдаги касбларни тўғри танлашига кўмаклашиш;

ўқув-тарбия жараёнини, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш, улар томонидан қобилиятли ўқувчилар билан аниқ мақсадга йўналтирилган якка тартибдаги ишларни ўтказиш.

3. Танловлар босқичлари ва турларини ташкил этиш учун масъулият таълим муассасаларининг раҳбарлари, тегишли равишда вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юкланади.

4. Танловларни ўтказиш муддатлари ва жойлари тегишли ҳокимликлар билан келишилади, улар қатнашчиларни турар жой, озиқ-овқат билан таъминлашда ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатади.

## **2-БОБ. ТАНЛОВНИ БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИШ**

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Танловни ўтказиш шартлари

3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)

### **1-§. Умумий қоидалар**

5. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг мусиқа фанлари бўйича танловлари ҳар уч йилда бир марта қуйидаги босқичлар бўйича ўтказилади:

1-босқич – туман, шунингдек, ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

2-босқич – вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида;

3-босқич – республика бўйича.

6. Таълим муассасаси раҳбарияти танловнинг республика босқичида иштирок этишлари учун номзодларнинг қуйидаги ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига топширади:

номзоднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

номзодга таълим муассасаси раҳбарияти томонидан берилган ижодий тавсифнома;

9 x 12 см ҳажмдаги 4 та рангли фотосурат;

номзоднинг тўлиқ ижро дастури.

7. Ҳужжатлар республика босқичи бошланишига ўн беш кун қолгунга қадар қабул қилинади. Мазкур муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

**2-§. Танловни ўтказиш шартлари**

8. Танловнинг биринчи босқичида ўз таълим муассасаларидаги ҳисобот концертларида энг катта эътибор қозонган, иккинчи босқичда I, II, III ўринларни эгаллаган, учинчи – яқунловчи босқичда эса, танловга тавсия этилган ҳар қайси ихтисослик бўйича фақат I ўринни эгаллаган ўқувчилар иштирок этади.

9. Танловнинг ижро дастури республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейларининг тегишли соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан танлов ўтказилгунга қадар тасдиқланади.

10. Танловнинг ижро дастурига у тасдиқлангандан сўнг, ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

11. Танлов мезонларининг мураккаблигига қўйиладиган талаблар республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейлари, маданият ва санъат коллежларига қабул қилинадиган абитуриентлар билимлари даражасига мувофиқлаштирилади.

12. Иштирокчилар ижро дастурларини ёддан ижро этади. Иштирокчиларнинг ижроси 25 баллик тизим бўйича баҳоланади.

**3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)**

13. Танлов қуйидаги ихтисосликлар (номинациялар) бўйича ўтказилади:

фортепиано (1 та номинация – фортепиано);

торли чолғулар (3 та номинация – скрипка, альт, виолончель);

дамли ва зарбли чолғулар (9 та номинация – флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, саксофон, тромбон, туба, зарбли чолғулар);

халқ чолғулари (14 та номинация – най-қўшнайн, чанг, рубоб-прима, қашқар рубоби, афғон рубоби, дутор (прима, альт, тенор), дутор-бас, танбур, доира, ғижжак, ғижжак-альт, қобуз бас, баян-аккордеон, гитара);

академик хонандалик (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

анъанавий хонандалик (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

анъанавий чолғу ижрочилиги (12 та номинация – най, чанқовуз, чанг, қонун, рубоб, соз, уд, танбур (сато), дутор, доира, ғижжак, қўшнайн-сурнай);

эстрада хонандалиги (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

эстрада чолғу ижрочилиги (10 та номинация – фортепиано, скрипка, флейта, труба, тромбон, саксофон, кларнет, гитара, бас-гитара, урма-зарбли чолғулар);

мусиқа назарияси (1 та номинация – мусиқа назарияси);

ансамбллар (6 та номинация – халқ чолғулари ансамбли, анъанавий созандалар ансамбли, анъанавий ашулалчилар ансамбли, фольклор ансамбли, эстрада вокал чолғу ансамбли, рақс гуруҳи);

хореография санъати (3 та номинация – халқ рақси, замонавий рақс, мумтоз рақс);

театр (томоша) санъати (3 та номинация – драма театри актёрлиги, мусиқий драма театри актёрлиги, кўғирчоқ театри актёрлиги); фольклор ижрочилиги (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

тасвирий санъат (4 та номинация – ранг тасвир, графика, мини-атюра, ҳайкалтарошлик);

амалий санъат (9 та номинация – наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик, қулолчилик, тўқувчилик, заргарлик, попопчилик).

### **3-БОБ. ТАНЛОВНИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУСИҚА-БАДИИЙ МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИШ**

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Танловни ўтказиш шартлари

3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)

#### **1-§. Умумий қоидалар**

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари) ва ихтисослаштирилган мусиқа-бадиий мактаб-интернатлари ўқувчиларининг ижодий танловлари мусиқа ижрочилари ўртасида ҳар икки йилда бир марта, уч турда ўтказилади.

15. Таълим муассасаси раҳбарияти республика танловида иштирок этишлари учун номзодларнинг қуйидаги ҳужжатларини тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига топширади:

номзоднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки паспорти нусхаси;

номзодга таълим муассасаси раҳбарияти томонидан берилган ижодий тавсифнома;

9 x 12 см ҳажмдаги 4 та рангли фотосурат;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 4 та рангли фотосурат;

номзоднинг тўлиқ ижро дастури.

16. Ҳужжатлар республика танлови бошланишига ўн беш кун қолгунга қадар қабул қилинади. Мазкур муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

**2-§. Танловни ўтказиш шартлари**

17. Танловга саралаб олиш ва юбориш ҳисобот концертлари яқунлари бўйича амалга оширилади.

18. I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар фақат сўнгги тур яқунлари бўйича аниқланади.

19. Танловнинг ижро дастури маданият, санъат, мусиқа йўналишидаги олий таълим муассасаларининг тегишли соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади ва танлов ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

20. Танловнинг ижро дастурига у тасдиқлангандан сўнг, ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази танлов топшириқларининг мураккаблигига қўйиладиган талабларнинг олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган абитуриентлар билимлари даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

22. Иштирокчилар ижро дастурларини ёддан ижро этади. Иштирокчиларнинг ижроси 25 баллик тизим бўйича баҳоланади.

**3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)**

23. Танлов қуйидаги ихтисосликлар (номинациялар) бўйича ўтказилади:

халқ чолғулари (13 та номинация – най, қўшнай, чанг, рубоб-прима, қашқар рубоби, афғон рубоби, дутор (прима, альт, секунда, тенор), дутор-бас, доира (ноғора, ксилофон), ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-бас (ғижжак-контрабас), баян-аккордеон);

дамли ва зарбли чолғулар (9 та номинация – флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, валторна, тромбон, туба, зарбли чолғулар);

академик хонандалик (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

торли чолғулар (4 та номинация – скрипка, альт, виолончель, контрабас);

фортепиано (1 та номинация – фортепиано);

анъанавий хонандалик (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

анъанавий чолғу ижрочилиги (9 та номинация – най, қўшнай-сурнай, чанг, рубоб, уд, танбур (сато), дутор, доира, ғижжак);

эстрада хонандалиги (2 та номинация – эркак овози, аёл овози);

эстрада чолғу ижрочилиги (8 та номинация – фортепиано, труба, тромбон, саксофон, кларнет, гитара, бас-гитара, урма-зарбли чолғулар);

хореография санъати (2 та номинация – халқ рақси, мумтоз рақс);

театр (томоша) санъати (4 та номинация – драма театри актёрлиги, мусликий драма театри актёрлиги, кўғирчоқ театри актёрлиги, оммавий байрамлар режиссёрлиги);

фольклор ижрочилиги (2 та номинация – эркак овози, аёл овози).

#### **4-БОБ. ТАНЛОВНИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИШ**

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Танловни ўтказиш шартлари

3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)

##### **1-§. Умумий қоидалар**

24. Танлов ўрта махсус, касб-хунарсан таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

25. Таълим муассасаси раҳбарияти танловнинг республика босқичида иштирок этиши учун номзодларнинг қуйидаги ҳужжатларини Ўзбекистон Бадиий академиясига топширади:

номзоднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки паспорти нусхаси;

номзодга таълим муассасаси раҳбарияти томонидан берилган ижодий тавсифнома;

9 x 12 см ҳажмдаги 4 та рангли фотосурат;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 4 та рангли фотосурат;

номзоднинг 5 тагача ижодий ишлари намуналаридан иборат фотоальбом.

26. Ҳужжатлар республика босқичи бошланишига беш кун қолгунга қадар қабул қилинади. Мазкур муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

##### **2-§. Танловни ўтказиш шартлари**

27. Танловга саралаб олиш ва юбориш ижодий ишларини баҳолаш яқунлари бўйича амалга оширилади.

28. I, II, III ўринлар танлов яқунлари бўйича аниқланади.

29. Танловнинг дастури Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг мутахассислари томонидан

ишлаб чиқилади ва танлов ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

30. Танлов дастурига у тасдиқлангандан сўнг, ўзгартиришлар кiritишга йўл қўйилмайди.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази танлов топшириқларининг мураккаблигига қўйиладиган талабларнинг олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган абитуриентлар билимлари даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Иштирокчиларнинг ижодий ва “Чизматасвир” фанидан бажарган ишлари танловга қўйилади. Иштирокчиларнинг ишлари 100 баллик тизим бўйича баҳоланади.

### **3-§. Танлов ихтисосликлари (номинациялари)**

32. Танлов қуйидаги ихтисосликлар (номинациялар) бўйича ўтказилади:

тасвирий санъат (13 та номинация – дастгоҳли графика, дастгоҳли рангтасвир, кино рассоми, китоб графикаси, майда пластика, маҳобатли рангтасвир, миниатюра санъати, тасвирий санъат асарларини таъмирлаш, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, театр безаги рангтасвири, телевидение рассоми, фильмнинг тасвирий ечими, ҳайкалтарошлик);

амалий санъат (12 та номинация – амалий санъат асарларини таъмирлаш, бадиий гилам ва гобеленларни лойиҳалаш, бадиий каштачилик, бадиий кулолчилик, зардўзлик, лакли миниатюра, маҳобатли безак санъати, меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш, миллий бадиий тўқимачилик, наққошлик, хаттотлик санъати, шиша буюмлар уста рассоми);

дизайн (24 та номинация – амалий графика, архитектура, бадиий либосларни лойиҳалаш, газламаларнинг бадиий ечими, енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш, енгил саноат буюмлари технологияси, замонавий либослар ечими, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер конструктори, кийимлар модельер дизайнери, миллий этнография ва бадиий либослар дизайнери, тарихий либослар ечими, тарихий-театр либослари санъати, бадиий фото, бино ва иншоотлар қурилиши, интерьерни лойиҳалаш, компьютер графикаси, ландшафт дизайни, лойиҳаловчи дизайнер, мебелларни лойиҳалаш, меъморий безак санъати, меъморий иншоотлар ечими, реклама, саноат дизайни, саноат маҳсулотларини лойиҳалаш ва безатиш).

### **5-БОБ. ТАНЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

33. Танловларни ўтказиш бўйича бутун тадбирлар комплексини бажариш учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмаларни ташкил этади.

34. Ташкилий қўмиталар танловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмалар таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди, синов топшириқларини тайёрлашни ташкил этади, баҳолаш мезонларини ва яқунлар чиқариш тартибини тасдиқлайди, қатнашчиларнинг танловларга келиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади.

Бунда апелляция комиссиялари ҳакамлар ҳайъатлари таркибидан бўлмаган камда учта етакчи мутахассисдан тузилади.

Ҳакамлар ҳайъатлари ғолибларни аниқлайди ва танловлар яқунларини протокол қарори билан расмийлаштиради.

35. Апелляция комиссиялари танловлар қатнашчиларининг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади. Апелляция комиссияларига, зарурат бўлганда, ҳакамлар ҳайъатлари қарорларини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

### **6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

36. Танловларни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

37. Мазкур Низом Ўзбекистон Бадиий академияси билан келишилган.

**“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”,  
2015 йил 3 август, 30-сон, 410-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 22 август

240-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 118-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим қилинган Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги давлат педагогика институтларида талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш ва қайта тиклаш (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари) тўғрисидаги 51 нафар талабгорлардан тушган аризалар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш ва қайта тиклаш (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари)ни амалга ошириш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик ишчи гуруҳига жорий йилнинг 31 августига қадар тақдим қилинган ҳужжатларни Низом талабларига мос равишда кўриб чиқиш ва давлат педагогика институтларига талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш ва қайта тиклаш (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари) бўйича белгиланган тартибда давлат педагогика институтларига хат юбориш вазифаси юклансин.

4. Давлат педагогика институтлари ректорларига:

\* Илова берилмайди

таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича 2-иловага мос равишда олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида нечта бўш ўринлар мавжудлиги ҳақида жорий йилнинг 26 августига қадар вазирликнинг Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига аниқ маълумот бериш;

талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш ва қайта тиклаш (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари)ни амалга оширишда Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилиш;

ўқишнинг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар аризасига кўра муайян таълим йўналиши (мутахассислик)да олий таълим муассасаларига тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этиш;

талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашни расмийлаштиришда белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (икки ойдан ортиқ бўлмаган), ўқитиш курси ҳамда ўқишга қабул қилишнинг бошқа шартларини белгилаш;

талабалikka қайта тиклашда олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаганлигига, шахснинг академик қарздорлиги ҳамда тегишли мутахассислик бўйича зарур билимларни ўзлаштиришига тўсқинлик қилиш даражасидаги ўқув режалари ва дастурларида фарқ мавжуд бўлган ҳолларда рад жавоби бериш;

талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ҳужжатлар аниқланган ҳолларда мазкур ҳужжатларни текшириш ва буйруқ чиқармаслик;

зарурат бўлганда ҳужжатларни юборган олий таълим муассасаларидан расмий хат билан маълумотлар тўғрилигини тасдиқлаштириб олиш вазибалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 28 август

246-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**“КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ” БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ  
ФЕСТИВАЛИНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР  
БОСҚИЧЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2663**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мажлисининг 2015 йил 18 апрелдаги “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги 54-сонли баёнидаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мажлисининг 2015 йил 18 апрелдаги 54-сонли баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ишчи гуруҳининг таркиби 1-иловага, туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ва ижодий гуруҳ аъзолари рўйхати 2-иловага ҳамда фестивални ўтказиш муддатлари ва масъуллар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таш-

килий ва ижодий гуруҳ аъзолари белгиланган жадвал асосида жойларга хизмат сафарига юборилсин.

4. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев)га тегишли бошқармалар билан ҳамкорликда “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика штабини ташкил этиш, ҳудудлардан олинган маълумотларни умумлаштириш ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашига белгиланган муддатда ахборот бериб бориш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳудудлардаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотлари ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари билан келишилган ҳолда:

жорий йилнинг 1 октябрига қадар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳузурида “Камалак юлдузлари” штабини ташкил этиш, унга алоҳида хона ажратиш ва зарур жиҳозлар билан (компьютер, мусиқа кўчириш аппарати ва ҳ.к) таъминлаш;

“Камалак юлдузлари” вилоят штаби бошлиғи этиб болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлинма мудирларини тайинлаш, фестиваль иштирокчиларининг ҳужжатларини расмийлаштириш, уларнинг рўйхатини тузиш ва ҳар ҳафтанинг жума кунлари Халқ таълими вазирлигининг Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармасига тақдим этиш;

вазирлик тизимидаги барча ўқув муассасаларида таълим олаётган 6-14 ёшдаги иқтидорли болалар ва ўсмирларни “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалига кенг жалб этиш;

фестиваль иштирокчиларининг ҳужжатларини расмийлаштириш, уларнинг рўйхатини тузиш “Камолот” ЁИХнинг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этиш;

фестивалнинг туман (шаҳар) босқичи баҳолаш мезони баёнларини расмийлаштириш ва республика ташкилий гуруҳига тақдим этиш;

фестивалнинг туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларига ҳакамлар ҳайъати аъзолигига мутахассисларни жалб этиш ва рўйхатини шакллантириш, шунингдек, уларнинг фестивал жараёнида тўлиқ ишлашини таъминлаш;

фестивалнинг туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида иштирокчиларнинг тўлиқ қатнашини таъминлаш;

иштирокчиларни шаҳарларга йўл патрул хизмати кузатуви остида автобусларда тартибли равишда келиш-кетишларини ташкил этиш;

фестивалнинг очилиши ва тақдирлаш маросимларини ташкил этиш ҳамда барча саралаш босқичларида ташкилий масалаларнинг ҳал этилишида “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказларига кўмаклашиш;

фестивалнинг ҳудудий босқичлари ғолибларини маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда тақдирлаш чораларини кўриш;

фестивалнинг туман (шаҳар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини жорий йилнинг 15 сентябридан 15 октябрга қадар белгиланган режа асосида юқори савияда ўтказиш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) ҳамда вазирлик муассислигидаги газета ва журналлар таҳририятлари томонидан фестивалнинг барча босқичлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилиши таъминлансин.

7. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ва ижодий гуруҳ аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари ҳодимларнинг асосий иш жойидан қопланиши назарда тутилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 28 августдаги 246-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА*

**“Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалига  
тайёргарлик кўриш ва уни юкори савияда ўтказиш бўйича  
вазирлик ишчи гуруҳининг таркиби**

- Д.Кенжаев – Вазир ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси
- Қ.Атамирзаев – Мусиқа ва санъат таълими муассасалари  
бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раисининг  
ўринбосари
- Н.Муротов – Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва  
ҳисоботи бошқармаси бошлиғи, аъзо
- Б.Шайвалиев – Ахборот хизмати бошлиғи, аъзо

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 28 августдаги 246-буйруғига  
2-ИЛОВА*

**“Камалак юлдузлари” Республика болалар ижодиёти  
фестивалининг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон  
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини  
ташkil этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ва ижодий гуруҳ  
аъзолари рўйхати**

Ж.Шомуродов	Муסיқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бош назоратчиси
Д.Джамалова	В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи директори
Б.Қурбанов	Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи директори
Ж.Халилов	Муסיқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси етакчи муҳандиси
Б.Қурбонов	Тошкент шаҳар 14-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби директори
М. Мухитдинова	Тошкент шаҳар 4-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби директори
С.Адилова	Тошкент шаҳар 2-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби директори
Д.Мирсадикова	Тошкент шаҳар 1-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби директори

Халқ таълими вазирлигине  
2015 йил 28 августдаги 246-буйруғига  
3-ИЛОВА

“Қамалак юлдузлари” Республика болалар ижодиёти  
фестивалининг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон  
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
босқичларини ўтказиш муддатлари ва масъуллар  
РУЙХАТИ

№	Худудлар	Туман, шаҳар бос- қичи ўтказиладиган сана	Вилоят босқичи ўтказиладиган сана	Масъул
<b>I-гурух</b>				
1	Фарғона вилояти	2015 йил 20-30 сентябрь	5 октябрь	Қ.Атамирзаев, А.Райимжонов, Ҳ.Исроилова, Б.Абдурахимов, Ш.Режапов, Б.Қурбонов, М.Исакова
2	Анджон вилояти		7 октябрь	
3	Наманган вилояти		9 октябрь	
<b>II-гурух</b>				
4	Жиззах вилояти	2015 йил 20-30 сентябрь	5 октябрь	Ж.Шомуродов, Б.Қурбанов, А.Юлдошев, Б.Дўсмуродов, Р.Яқубов А.Нурқобилов, Е.Маркелова,
5	Сирдарё вилояти		7 октябрь	
6	Тошкент вилояти		9 октябрь	

<b>III-Гуруҳ</b>				
7	Қорақалпоғистон Республикаси	2015 йил 20-30 сентябрь	5 октябрь	Ж.Халилов, Д.Жамалова, Ж.Ибрагимов, Қ.Исмоилов, С.Азизбоев, С.Адилова, Д.Мирсодиқова, С.Рахмонова, С.Хожашев
8	Хоразм вилояти		7 октябрь	
9	Бухоро вилояти		9 октябрь	
10	Навоий вилояти		12 октябрь	
<b>IV-гуруҳ</b>				
11	Сурхондарё вилояти	2015 йил 20-30 сентябрь	13 октябрь	Ж. Шомуродов, Б. Қурбанов, Б.Дўсмуродов, М.Муҳиддинова, Б.Қурбанов, И.Шакирова, А.Юлдошев
12	Қашқадарё вилояти		15 октябрь	
13	Самарқанд вилояти		17 октябрь	
<b>V-гуруҳ</b>				
14	Тошкент шаҳри	2015 йил 20-30 сентябрь	21 октябрь	Қ.Атамирзаев, Б.Қурбанов, Д.Жамалова, Б.Дўсмуродов, Қ.Исмоилов, Л.Хасанова, Ж.Ибрагимов, А.Юлдошев, З.Ахунжонова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 5 сентябрь

250-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### 2015-2020 ЙИЛЛАРДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сонли қарори ижросини таъминлаш, таълим муассасаларида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил қилиш, таълим муассасаларида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб бориш ва тарғиб қилишни кучайтириш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими вазирлигининг “2015-2020 йилларда таълим муассасаларида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларлар режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

“2015-2020 йилларда таълим муассасаларида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш юзасидан чора тадбирларлар режаси”да белгиланган вазифалар ижросини

тўлиқ белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

таълим муассасалари ошхона ва буфетларида санитария-гигиена талабларига мос равишда шароитлар яратиш;

тарбияланувчи ва ўқувчилар, педагоглар, ота-оналарда соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиш юзасидан билим ва кўникмаларни семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш орқали ошириш;

амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотни ҳар чорак якунига кўра вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов)га:

таълим муассасаларида соғлом овқатланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг тизимли равишда амалга оширилишини назоратга олиш;

ҳар чоракда ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплексига киритилган тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 5 сентябрдаги 250-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**2015-2020 йилларда таълим муассасаларида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг соғлом  
овқатланишини таъминлаш  
юзасидан чора-тадбирлар режаси**

№	Тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b>			
1.	Мактабча таълим муассасалари, барча турдаги мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун тасдиқланган 2000 йил 30 июндаги 0097-00 рақамли санитария қондалари ва меъёрларига витамин ва бошқа тўйимли моддаларга бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар қўшиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритиш.	2015 йил ноябрь	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси
2.	Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш туғрисида"ги 2010 йил 20-августдаги 184-сонли қарорига ошхона ва буфетларни ижарага бериш юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2015 йил декабрь	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси

II. Soғlom ovqatlash va turmush tarzini ta'minlash chora-tadbirlari			
3.	<p>Барча умумтаълим мактабларидаги ошхона ва буфетлар фаолияти (ишламаётган бўлса сабаблари) юзасидан хатлов ўтказиш ва ҳолатни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаб вазириликка юбориш.</p>	2015 йил сентябрь	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>
4.	<p>Умумтаълим мактаблари фаолияти юзасидан ўтказилган хатлов яқунлари ва берилган таклифларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплексига киритилган тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясига тақдим этиш,</p>	2015 йил октябрь	<p>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси</p>
5.	<p>Давлат таъминотида бўлган таълим муассасалари (мактабгача таълим муассасалари, барча турдаги мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари)ни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашини, санитариya меъёрлари (СанПиН)нинг бажарилиши даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p>	Ҳар ярим йил давомида	<p>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>

6.	<p>Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган ота-она-лар йиғилишларида ота-оналарини соғлом овқат-лантириш, жисмоний фаоллик, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмоли қилишдан воз кечиш масалалари бўйича замонавий ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш.</p>	<p>2015-2020 йиллар давомида</p>	<p>Республика таълим маркази, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, МТМХҚТМОРЎММ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>
7.	<p>Болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, мунтазам спорт билан шуғулланиш учун спорт секциялари турларини ташкил этиш юзасидан тадбирларни амалга оширишни давом эттириш.</p>	<p>2015-2020 йиллар давомида</p>	<p>Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>
8.	<p>Ўқувчилар ўртасида соғлом овқатланишни тарғиб қилишга қаратилган “Соғлом болалар” таълим дастурини таълим муассасаларига татбиқ этиш.</p>	<p>2015-2020 йиллар давомида :</p>	<p>Республика таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>
9.	<p>Таълим муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадда сотилиши тақиқланган маҳсулотлар савдосига йўл қўймаслик юзасидан қатъий чоралар белгилаш.</p>	<p>2015 йил сентябрдан бошлаб доимий</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>

10.	Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, махаллий давлат ҳокимияти органларига таълим муассасаларида сифатли ва хавфсиз овқатланишни ташкил этиш, умумий овқатланиш қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.	2015 йил сентябр ойидан доимий	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари
<b>III. Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш</b>			
11.	Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ва соғлом турмуш тарзини юритишни оммалаштириш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил этиш ва тарғиб қилишни кучайтириш.	2015-2020 йиллар давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари
12.	Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш, соғлиқ учун зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.	2015-2020 йиллар давомида	Ахборот хизмати бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари

13.	<p>Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича маърифий ишларни амалга ошириш бунда, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари материалларини кўлайтириш, машхур сўёсий, фан, санъат арбоблари, спорт ва жамоат арбоблари билан шу масалада учрашувлар ташкил этиш юзасидан Миллий телерадиокомпания ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб бориш.</p>	<p>2015-2020 йиллар давомида</p>	<p>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси, Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари</p>
14.	<p>Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳудудий семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2015 йил сентябрь-декабрь</p>	<p>МТМХҚТМОРЎММ, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 8 сентябрь

253-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ  
ТАРҒИБОТЧИСИ” РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 август-даги “Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сон қарори ҳамда вазирликнинг 2015 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танлови (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида ташкил этилсин.

2. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, кўрик-танлов Низоми 2-иловага ва кўрик-танловни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ишчи гуруҳи (Д.Кенжаев)га:

кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш;

кўрик-танловнинг қуйи босқичларини Низом асосида ўтказилиши бўйича жойларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

кўрик-танловнинг республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркибини малакали соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда шакллантириш;

кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибининг ҳамкор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўтказиладиган 2015 йил учун “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танлови якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказиш билан боғлиқ маблагларни Республика болалар кутубхонасининг шахсий ғазна ҳисоб варағига ўтказсин.

5. Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов)га: тасдиқланган смета асосида совғаларни ўрнатилган тартибда харид қилиш;

тадбирдан кейин икки ҳафта муддатда амалга оширилган сарф-харажатлар тўғрисида вазирликка ҳисобот тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарларига:

кўрик-танловнинг мазмун моҳиятини таълим муассасаларида кенг тарғиб этиш;

кўрик-танловнинг қуйи босқичларини Низом асосида юқори савияда ташкил этиш ва ҳакамлар ҳайъати таркибини етук соҳа мутахассисларидан шакллантириш;

кўрик-танловнинг ҳудудий босқичи ғолибларининг тегишли ҳужжатларини талаб даражасида расмийлаштириш ва ўрнатилган тартибда республика ишчи гуруҳига тақдим этиш;

кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этувчи ғолибларни Тошкент шаҳрига келиб-кетиши билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини ўз вақтида молиялаштириш;

кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларини маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш вазифалари юклатилсин.

7. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ҳамда “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га кўрик-танлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
 2015 йил 8 сентябрдаги  
 253-сонли буйруғига  
 1-ИЛОВА*

**Халқ таълими тизимида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловини ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳ таркиби**

Д.Кенжаев	–	Вазир ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси
Ж.Камолов	–	Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби
		<b>АЪЗОЛАР</b>
Ф.Аҳмедов	–	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи
Х.Даминов	–	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи
Б.Рўзимуродов	–	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бош назоратчиси
Б.Шайвалиев	–	Вазирликнинг ахборот хизмати бошлиғи
И.Зокиров	–	Республика таълим маркази директори
Д.Ўролов	–	Республика болалар кутубхонаси директори
Н.Юлдашева	–	Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори

Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 8 сентябрдаги  
253-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА

**Халқ таълими тизимида “Йилнинг энг фаол маънавият  
тарғиботчиси” Республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича  
сарф-харажатлар сметаси**

**Ўтказиш вақти:** 2015 йил ноябрь ойи.

**Ўтказиш жойи:** Республика болалар кутубхонаси

**Иштирокчилар сони:** 14 нафар.

№	Харажат турлари	Сони	Қиймати	Суммаси
1.	Диплом ва рамка	14	14 000	196 000
2.	Таклифнома ва дастур	20	2000	40 000
3.	Ғолиб учун кубок (1-ўрин)	1	350 000	350 000
4.	Тадбир баннери (рамкаси билан)	1 (3x3 м)	25 000	225 000
5.	Ёзув қоғози А-4	3	15000	45 000
6.	1-ўрин ғолиби учун телевизор (LCD) 32	1	1 300 000	1 300 000
7.	2-ўрин ғолиби учун планшет	1	500 000	500 000
8.	3-ўрин ғолиби учун рақамли фотоаппарат	1	350 000	350 000
9.	Рағбатлантирувчи ўринлар учун китоблар тўплами	11	100 000	1 100 000
10.	Гуллар	14	35 000	490 000
<b>Жами:</b>				<b>4 596 000</b>

*Изоҳ: Нархлар 2015 йил 25 август ҳолатига тахминий ҳисобланган бўлиб, ҳақиқий харажатлар танлов ўтказиш жараёнидаги бозор конъюнктурасига мувофиқ белгиланади.*

**Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси  
бошлиғи**

**Х.Даминов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 8 сентябрдаги  
253-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА*

**“Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси”  
Республика кўрик танловининг  
НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ПҚ-451-сон Қарори ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги 07-26-48-сонли йиғилиши баёнининг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида халқ таълими тизимида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танловда халқ таълими тизимидаги барча турдаги таълим муассасаларининг фан ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт ишлари бўйича шўъба раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича бош мутахассислари иштирок этиши мумкин.

3. Ҳамкор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2015 йил учун “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловининг йўналишлар бўйича якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Республика “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика “Байналмилал” маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилади.

## II. Кўрик-танловнинг мақсади

4. Кўрик-танловнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

а) маънавият тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳамда миллий аънаъна, қадрият ва урф-одатларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

б) аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ўқувчи-ёшлар ўрта-сида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, инсонпарварлик фазилатларини кенг тарғиб қилиш;

в) бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ҳар томонлама шарҳлаш ва тушунтириш, ғоявий ва информацион хуружлар, улар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фoш қилиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, соҳа мутахассислари ва ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш.

## III. Кўрик-танловнинг ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари

7. Кўрик-танлов қуйидаги муддатларда уч босқичда ташкил этилади:

1-босқич – туман (шаҳар) босқичи: жорий йил 30 сентябргача;

2-босқич – ҳудудий босқич: жорий йил 20 октябргача;

3-босқич – республика босқичи: жорий йил 20 ноябрь куни Республика болалар кутубхонасида ўтказилади.

8. Туман (шаҳар) босқичи тегишли туман (шаҳар)даги умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ўртасида туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимлари томонидан, ҳудудий босқич кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичида 1-ўринни эгаллаган голиблар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тегишли буйруқлар асосида ташкил этилади.

Халқ таълими вазирлиги ва ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари тасарруфидаги таълим муассасалари ҳамда Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари вакилларига тўғридан-тўғри 2-босқичда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

9. Кўрик-танловнинг Республика босқичи ва ҳудудий босқичи ҳакамлар ҳайъати таркиби малакали соҳа мутахассисларидан ҳам-

да ҳамкор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларини жалб қилган ҳолда тузилади.

10. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаш мезонлари асосида иштирокчиларнинг ижодий ишлари ҳамда суҳбат орқали уларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолайди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан қўйилган баллар умумлаштирилиб, ўртача балл аниқланади ва натижалар эълон қилинади.

11. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосалари асосида кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари (1-, 2-, 3-ўринлар) аниқланади.

12. Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари раислигида ўтказилади.

13. Кўрик-танловнинг тизимдаги республика босқичи вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси томонидан ташкил этилади.

14. Кўрик-танловнинг барча босқичларида иштирокчилар томонидан тайёрланган ижодий ишлар (фаолияти акс этган ҳужжатлар тўплами) ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади, белгиланган тартибда баҳоланади ҳамда ғолиблар аниқланиб, 1-ўринни эгаллаган ғолибнинг ижодий ишлари Республика Маънавият тарғибот марказига тақдим этилади.

15. Кўрик-танловнинг қуйи босқичлари ўтгандан сўнг уч кун муддатда 1-ўринни эгаллаган ғолибнинг ижодий ишлари кейинги босқичга тақдим этилади.

16. Кўрик-танлов иштирокчилари қуйидаги мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланади:

- миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолиятига

- доир дастур ва режаларининг мавжудлиги, уларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси, тасдиқловчи ҳужжатлар (альбом) 10 баллгача;

- ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар (анжуман, семинар, учрашув, давра суҳбати, баҳс-мунозара ва ҳ.к) мавзулари ва маъруза матнларининг долзарблиги 10 баллгача;

- маънавий-маърифий тарғибот ишлари бўйича малака ошириш курсларидан ўтганлиги 10 баллгача;

- оммавий ахборот воситалари орқали фаол чиқишлари, умумий савияси, мавзуларнинг долзарблиги ва таъсирчанлиги 10 баллгача;

- нутқининг равонлиги, ғояни сингдириш маҳорати, таъсирчанликни оширишдаги изланишлари тажрибаси ва ўзига хослиги 10 баллгача;

- намунавий чиқишида мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг сўнги маълумотларни билиши, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиши, чет тилларини билиши, соҳа йўналишидаги билим, малака ва кўникмалари 20 баллгача;

- ўқувчи-ёшлар аудиториясидаги нутқий маҳорати, ёшлар муаммосини чуқур билиши, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга ёндашиши 10 баллгача;

- аёл маънавияти, аёлнинг оила маърифатини юксалтиришдаги вазифаси ҳақидаги тасавури, хотин-қизлар масалаларини ўз режаларида ёритиш маҳорати 10 баллгача;

- фаолияти давомида замонавий услубларда тайёрланган кўргазмали воситалардан фойдаланиш даражаси 10 баллгача.

17. Кўрик-танловга тақдим этилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва эгасига қайтарилмайди.

#### IV. Ғолибларни тақдирлаш

18. Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичи ғолиблари тегишли ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, уларнинг барча аъзолари имзо чеккан баённомалар асосида тақдирланадилар.

19. Кўрик-танлов иштирокчиларини рағбатлантириш кўламини кенгайтириш мақсадида 1-, 2-, 3-ўринлар ҳамда қолган иштирокчиларга фаоллигига қараб номинациялар таъсис этилади.

20. Кўрик-танловнинг республика босқичида 1-ўринга лойиқ деб топилган тизим ходими вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2015 йил учун “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” Республика кўрик-танловининг

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 8 сентябрь

254-сонли

**Б У Й Р У Қ И****“КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ”  
РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА****Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2663**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, ўқувчилар эришаётган натижаларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек Халқ таълими вазирлигининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида жорий йилнинг октябрь-декабрь ойларида “Конституция-бахтимиз пойдевори” Республика кўрик-танлови (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказилсин.

2. Кўрик-танловнинг республика ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, кўрик-танловнинг якуний босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 2-иловага, кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш жадвали 3-иловага, кўрик-танловнинг ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ташкилий қўмитаси (Д.Кенжаев)га:

кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларини мазкур буйруқнинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган Низом асосида ўтказилишига кўмаклашиш;

худудлардан кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун тавсия этилган ўқувчиларнинг ижодий ишларини баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати таркибига таниқли рассомлар, ёзувчи-шоирлар ва тажрибали мутахассисларни келишув асосида жалб қилиш;

кўрик-танлов иштирокчиларининг сараланган ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этиш;

кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимини ташкил этиш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги Республика таълим муассасалари раҳбарларига:

кўрик-танловнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

кўрик-танловнинг мактаб, туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўқори савияда ташкил этиш;

ҳакамлар ҳайъати таркибини тажрибали мутахассислардан шакллантириш, уларнинг адолатли ва холисона фаолият кўрсатишини таъминлаш;

кўрик-танловни ташкил этишда умумий ўрта таълим мактабларидаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва сардорларининг фаол иштирокини таъминлаш;

кўрик-танловнинг мактаб босқичи ғолибларини “эрталабки сафланиш”ларда эълон қилиш ва рағбатлантириш;

ҳудудий босқич якунлари бўйича ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириш, натижаларини ўрнатилган тартибда республика ташкилий кўмитасига тақдим этиш;

кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этадиган ўқувчилар ва уларга бириктирилган масъулларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳрига келиш-кейтишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

1. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) кўрик танловнинг якуний босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметасида режалаштирилган маблағларни ўрнатилган тартибда Республика илмий-педагогика кутубхонасининг шахсий ғазна ҳисоб-варағига ўтказсин.

2. Республика илмий-педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева)га: тасдиқланган смета асосида совғаларни ўрнатилган тартибда харид қилиш; тадбирдан кейин икки ҳафта муддатда амалга оширилган сарф-харажатлар тўғрисида вазирликка ҳисобот тақдим этиш вазифалари топширилсин.

3. “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази (Л.Ешмурзаева) кўрик-танловнинг республика босқичи иштирокчиларини 2015 йил 11-12 декабрь кунлари ётоқхона билан таъминласин.

4. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га кўрик-танловнинг барча босқичларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ва “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталарида “Конституция сабоқлари” рукнини ташкил этиш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 8-сентябрь

255-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА  
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизими-ни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори ҳамда 2015 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4702-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича комплекс дастурни ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга ошириш, “Электрон ҳукумат” тизимига интеграциялашувчи ахборот тизимлари ва ресурслари, интерактив хизматларнинг кенг жорий этилишини ташкил этиш ва уларни босқичма-босқич ривожлантириш бўйича шахсий жавобгарликни янада ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2014 йил 18 августдаги 46-а-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган “Халқ таълими вазирлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу орқали таълим самарадорлигини ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш”нинг ишчи органи сифатида вазирликнинг Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев белгилансин).

2. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлимлари ўз йўналишлари бўйича ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, “Таълим” ахборот тизимлари комплексига интеграция қилиниши белгиланган ахборот тизимлари ва ресурслари, маълумотлар базаларини шакллантириш, интерактив хизматларни

кўрсатиш юзасидан ҳар чорак якунида вазирликнинг “Халқ таълими вазирлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу орқали таълим самарадорлигини ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш”нинг ишчи органига таҳлилий маълумот, ҳисобот ва таклифларни киритиб борсин.

3. “Халқ таълими вазирлиги тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу орқали таълим самарадорлигини ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш”нинг ишчи органи – Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими ҳар чорак якунида тўпланган маълумотлар асосида Кенгашнинг мажлисларини ўтказиш юзасидан вазирлик раҳбариятига таклиф киритиб борсин.

4. Халқ таълими тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича масъул раҳбар сифатида вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров тайинлансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**

**У. Иноятов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 8 сентябрь

256-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИНИНГ ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАСИНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2663**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги, 1999 йил 16 августдаги 390-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2008 йил 7 августдаги 173-сонли “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2013 йил 8 майдаги 124-сонли “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ижросини бажариш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг таянч ўқув режаси 1-иловага, тушунтириш хати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2015-2016 ўқув йилидан V-IX синфларнинг ўқув дастурига босқичма-босқич тадбиқ этилсин.

2. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ихтисослик фани учун ўқув режалари қисқартирилган умум-

таълим фанларининг тақвим мавзу-режаларини 2015 йилнинг 25 сентябрига қадар ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда илмий методик кенгашида тасдиқлатиш ва 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга киритиш;

ушбу тақвим мавзу-режаларни вазирликнинг таълим порталига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ушбу буйруқ билан тасдиқланган ўқув режасини ва унинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг ижросини 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич тўлиқ бажарилишини таъминласинлар.

4. Вазирликнинг ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), "Маърифат", "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририяти (А.Рахимов) жорий йилнинг 1 октябрига қадар футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг таянч ўқув режаси ва тушунтириш хатини газеталарда чоп этиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ босқичма-босқич амалиётга киритилиши муносабати билан вазирликнинг 2014 йил 26 июндаги 188-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ва вазир ўринбосари Э.Искандаровлар зиммаларига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халк таълими вазирининг  
2015 йил 8 сентябрь 256-сонли  
буйруғига  
1-ИЛОВА

**Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган  
мактаб-интернатларининг таянч ўқув режаси**

Т/р	Ўқув фанлари	СИНФЛАР					Хафталик умумий соат	Жами йиллик соатлар
		V	VI	VII	VIII	IX		
1	Она тили ва адабиёт	*7	*6	5	*4	5	27	918
2	Ўзбек тили/рус тили	2	2	2	2	2	10	340
3	Чет тили	3	3	3	3	3	15	510
4	Тарих	2	2	3	3	3	13	442
5	Давлат ва ҳуқуқ асослари				1	1	2	68
6	Иқтисодий билим асослари				1	1	2	68
7	Математика	*4,5	*4	*4	*4	*4	20,5	697
8	Информатика				1	*1	2	68
9	Физика		2	2	2	2	8	272
10	Кимё			*1,5	2	2	5,5	187
11	Биология	1	2	2	2	2	9	306
12	Табиёт ва география	1	*2	*1,5	*1	*1	6	204
13	Ватан туйғуси	1	1				2	68
14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари			1	1	1	3	102
15	Муסיқа маданияти	1	1	1			3	102
16	Тасвирий санъат	1	1	1			3	102
17	Чизмачилик				1	1	2	68
18	Меҳнат	*	*	*	*	*		

19	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	10	340
	<b>Давлат ихтиёридаги соатлар</b>	<b>25,5</b>	<b>27,5</b>	<b>29</b>	<b>30</b>	<b>31</b>	<b>143</b>	<b>4 862</b>
20	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5	0,5	1	0,5	2	4,5	153
	<b>Ихтисослаштирилган йўналиш</b>	<b>12</b>	<b>14</b>	<b>18</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>84</b>	<b>2 856</b>
21	Назарий машғулотлар	1	1	1	1	1	5	170
22	Амалий машғулотлар	11	13	17	19	19	79	2 686
	<b>Умумий соатлар</b>	<b>38</b>	<b>42</b>	<b>48</b>	<b>50,5</b>	<b>53</b>	<b>231,5</b>	<b>7 871</b>
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)	6	6	10	16		38	1 292

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 8 сентябрдаги  
256-сонли буйруғига  
2-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
тасарруфидаги футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган  
мактаб-интернатларининг таянч ўқув режасига  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Мазкур ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маъмасининг 1996 йил 17 январдаги 27-сонли “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1998 йил 13 майдаги 203-сонли “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги, 1999 йил 27 майдаги 271-сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1999 йил 16 августдаги 390-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2008 йил 7 августдаги 173-сонли “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2012 йил 15 майдаги 130-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги, 2013 йил 8 майдаги 124-сонли “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚваМ) асосида тузилган.

Мазкур таянч ўқув режаси ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талабларидан ошадиган чуқур таълим тайёргарлигини таъминлаш мақсадида футбол бўйича ихтисослаштирилган мак-

таб-интернатларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ таълим жараёнини амалга оширишни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида футбол бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларини амалга оширишни назарда тутати.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компоненти ҳамда ихтисослашгирилган йўналишдан иборат.

Мазкур ўқув режа, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларидаги футбол ўйинини ривожлантириш ҳамда шу йўналиш бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган ёш кадрларни тайёрлашга қаратилган.

Ўқув-тренировка ва назарий машғулотлар, индивидуал режалар бўйича ишлар, тиббий-тикланиш тадбирлари, ўқувчиларнинг инструкторлик ва ҳакамлик амалиёти жараёнини ташкил этиш айрим умумтаълим фанларининг ўқув соатлари ҳамда қўшимча ажратилган соатлар ҳисобидан амалга оширилади.

Шу боисдан, футбол бўйича назарий тайёргарлик ва амалий машғулотларга қўшимча соатлар қуйидаги фанлардан ва ҳажмда олиб берилди:

**V синфда** она тили ва адабиёт фанидан 2 соат, математика фанидан 0,5 соат, меҳнат фанидан 2 соат;

**VI синфда** она тили ва адабиёт фанидан 1 соат, математика фанидан 1 соат, табиёт ва география фанидан 0,5 соат, меҳнат фанидан 2 соат;

**VII синфда** математика фанидан 1 соат, кимё фанидан 0,5 соат, табиёт ва география фанидан 0,5 соат, меҳнат фанидан 2 соат;

**VIII синфда** она тили ва адабиёт фанидан 1 соат, математика фанидан 1 соат, табиёт ва география фанидан 1 соат, меҳнат фанидан 1 соат;

**IX синфда** математика фанидан 1 соат, информатика фанидан 1 соат, табиёт ва география фанидан 1 соат, меҳнат фанидан 1 соат олинди.

Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ихтисослик фани учун ўқув режалари қискартирилган умумтаълим фанларининг тақвим мавзу-режалари Республика таъ-

лим маркази томонидан ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

“Жаҳон тарихи” фани VII-IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, “Ўзбекистон тарихи” фани VII-IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги Ф-1322-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши асосида V-VI синфларда “**Конституция оламига саёҳат**” курси “Ватан туйғуси” фанидаги мавжуд такрорланишлар ҳамда такрорлаш ва назорат ишларини ўтказиш учун ажрагилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида ўқитилади, шунингдек, VII синфда 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади. Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида алоҳида бет ажратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 364-сонли “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “**Дунё динлари тарихи**” курсидан дастлабки умумий тушунчалар:

**V синфда** 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

**VI синфда** 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Ватан туйғуси” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

**VII синфда** 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

**VIII синфда** 17 соат “Тарих”, “Адабиёт”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

**IX синфда** мактаб компоненти ҳисобидан 34 соат ўқитилади.

“Иқтисодий билим асослари”:

V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари “Математика”, “Физика”, “Конституция оламига саёҳат”, “География”, “Тарих”, “Ватан туйғуси” фанлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат, VIII-IX синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 3 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари тажриба-синовларининг иккинчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўғрисида”ги 6/4 ҲБ-сонли буйруғига асосан **информатика фани** V-VII синфлар-

да мактаб компоненти ҳисобидан синфлар кесимида 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ихтисослик йўналиши футбол бўлганлиги учун ўқув-тренировка ва назарий машғулотлар, индивидуал режалар бўйича ишлар, тиббий-тикланиш тадбирлари, ўқувчиларнинг инструкторлик ва ҳакамлик амалиёти мактаб директори томонидан тасдиқланадиган жадвалга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг 2-илловаси тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 17-бандида белгиланган ўқув-машқ ишлари соатлари ҳажмлари (ўқув-машқ ишлари режими) асосида олиб борилади.

**“Йўл ҳаракати қоидалари”** V-VIII синфларда тасдиқланган дастур асосида синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан ўтилади. Бу машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юкламаси сифатида инобатга олинади. “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари V-VIII синфларда мактаб дарс жадвалига киритилади ва синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади.

**“Ҳаёт хавфсизлиги асослари”** машғулотлари V-IX синфларда “География”, “Биология”, “Кимё”, “Физика”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари дастурлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-360 сонли фармойиши асосида мактаб компоненти ҳисобидан IX синфда 1-ярим йилликда 10 соат, Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 297-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асари мактаб компоненти ҳисобидан 2-ярим йиллик 12 соат ўқитилади.

V-VII ва IX синфларда **“Соғлом авлод асослари” ўқув курси** “Биология”, “Жисмоний тарбия” фанларига интеграция қилинган ҳолда ўқитилади. VIII синфда мактаб ихтиёридаги соатлардан фойдаланган ҳолда йилига 17 соат ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган “**Тежамкорлик сабоқлари**” ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури асосида тегишли фанлардан дарс ўтиш жараёнида фан ўқитувчилари ҳамда тарбиявий соатларда синфдан ташқари тадбирларда синф раҳбарлари томонидан V-IX синфларда 17 соатдан машғулотлар ташкил этилади.

Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга бўлган футбол бўйича давлаг ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида (шаҳарда синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқда эса 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда) қуйидаги фанларни ўқитишда синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинади:

V-IX синфларда чет тили (инглиз, немис, француз ва бошқа) дарсларини ўтишда;

таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда V-IX синфларда “Ўзбек тили” дарсини ўтишда;

таълим рус тилида олиб борилмайдиган футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда V-IX синфларда “Рус тили” дарсини ўтишда;

V-IX синфларда “Информатика” дарсини ўтишда;

амалдаги давлат таълим стандартларига кўра (УЎТДТС тўплами, 1999 йил 4-сон, 312-бети ҳамда 6-сон 176-бети) VIII-IX синфларда ўқувчилар сони шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда ўғил ёки қиз болалар саккизтадан кам бўлмаса) қиз ва ўғил болалар гуруҳлари икки гуруҳга ажратган ҳолда ўтилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 4-боб, 30-бандига асосан ўқув тренировка ва назарий машғулотлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг 2003 йил 4 июндаги йиғилиши баёнининг 3-бандини бажариш мақсадида V-IX синфларда кўшимча машғулотлар спорт секциялари тарзида ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнини ташкил этиш шароитларига қўйиладиган талаблари (СанҚваМ № 0102-00) асосида ўқув йили V-IX синфларда 34 ҳафта белгиланган.

Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади.

Ўқув йили мобайнида таътиллار:  
кузги таътил – 2 ноябрдан 6 кун;  
қишки таътил – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрдаги ПФ-517-сонли Фармонида кўра декабрь ойининг охири 4 кун ва январь ойининг биринчи ўн кунлиги мобайнида”;  
баҳорги таътил – 21 мартдан 7 кун;  
ёзги таътил – ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади.

Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

Ўқув йили якунида V-VIII синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида махсус ишлаб чиқилган, ота-оналар ва маҳалла кўмиталари раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалий меҳнат машғулоти:

**V-VI синфларда** 6 кун 4 соатдан;

**VII синфда** 10 кун 4 соатдан;

**VIII синфда** 16 кун 4 соатдан бевосита мактабда, идора ва корхоналарда, Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага қатъиян риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида мазкур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.

*Ушбу ўқув режа Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 26 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида”ги 162-сонли буйруғи асосида такомиллаштирилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 12 сентябрь

259-сонли

### Б У Й Р У Қ И

2015/2016 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага жамғариш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 сентябрдаги 06-30/1-55-сонли “2015/2016 йил қиш-баҳор ойларида республика аҳолиси эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган комплекс чоратадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 сентябрдаги 06-30/1-5 5-сонли “2015/2016 йил қиш-баҳор ойларида республика аҳолиси эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган комплекс чоратадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг 2015/2016 йил қиш-баҳор ойларида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини заҳирага жамғариш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига бир ҳафта муддатда:

эҳтиёждан келиб чиқиб, туман (шаҳар)лар ва таълим муассасалари кесимида заҳирага жамғариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари режасини тақсимлаш ва заҳира тадбирлари учун талаб этиладиган маблағлар миқдорини аниқлаш;

захирага жамғариладиган маҳсулотлар ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг қиш-баҳор ойларида сифатли сақланишини таъминлаш мақсадида маҳсулотлар жойлаштириладиган омборлар ва совуткичли сиғимларни манзилли рўйхатини (дислокациясини) тасдиқлаб, уларни тайёр ҳолга келтириш чораларини кўриш;

маҳсулотлар жойлаштириладиган омборлар ва совуткичли сиғимлар етишмаётган ҳудудларни аниқлаш ва улар бўйича тегишли таклифларни вазирликка тақдим этиш;

25 сентябрга қадар таълим муассасаларининг ўрнатилган тартибда тегишли маҳсулот етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолашини, имзоланган шартномаларга асосан маҳсулот етказиб берувчиларга олдиндан бўнак маблағлари тўланишини таъминлаш;

захирага жамғариш тадбирларини 2015 йилнинг 11 октябрга қадар тўлиқ тугатиш чораларини кўриш, захирага жамғариш ишларининг амалга оширилиши ҳолати бўйича мазкур буйруқнинг 2-иловасига мувофиқ ҳар куни соат 17:00 га қадар, шартномаларнинг тузилиши ва тўловларнинг амалга оширилиши бўйича мазкур буйруқнинг 3-иловасига мувофиқ ҳар ҳафтанинг пайшанба куни вазирликка ҳисобот бериб бориш вазифалари топширилсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи (Н.Муротов) жойлардан олинган маълумотларни умумлаштириб, Вазирлар Маҳкамасининг махсус ишчи гуруҳларига белгиланган муддатлар ва шаклларда тақдим этиб борилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир ходимга 50 кг картошка, 30 кг пиёз, 20 кг сабзи маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича тегишли чоралар кўриш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари У.Абруев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 12 сентябрь 259-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА

Халқ таълими тизимидаги ташилот ва муассасаларнинг 2015/2016 йил қиш-баҳор ойларида асосий  
турдаги қишлоқ хужалик маҳсулотларини захирата жамғариш  
РЕЖАСИ  
тонна

№	Худудлар номи	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони*	Жами захира режаси	жумладан, маҳсулотлар бўйича							
					Картошка	Пилёз	Сабзи	Карам	Мева	Поллиз	Гурч	Дуқкакли- лар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	315	32 449	1 261	490	144	96	64	229	155	33	50
2.	Андронон вилояти	493	56 943	2 672	1 079	314	207	140	440	310	73	109
3.	Бухоро вилояти	369	36 058	1 788	722	209	138	93	296	208	49	73
4.	Жиззах вилояти	176	16401	735	294	85	56	38	125	87	20	30
5.	Қашқадарё вилояти	348	31 093	1 672	677	196	129	87	275	193	46	69
6.	Навоий вилояти	121	16 424	696	273	80	53	36	124	84	18	28
7.	Наманган вилояти	497	53 502	2 634	1 058	308	203	137	441	308	72	107
8.	Самарқанд вилояти	573	50 920	2 536	991	291	193	129	456	309	66	101
9.	Сурхондарё вилояти	308	27 369	1 448	586	170	112	76	237	167	40	60
10.	Сирдарё вилояти	161	15 662	634	255	74	49	33	106	74	17	26
11.	Тошкент вилояти	430	56 616	1 936	752	221	147	98	354	238	50	76

12.	Фаргона вилояти	672	80 013	3 555	1 408	412	273	184	616	425	95	142
13.	Хоразм вилояти	271	26 590	1 365	554	160	105	71	223	157	38	56
14.	Тошкент шаҳар	455	113 449	2 996	1 172	343	227	153	539	365	78	119
	<b>Жами</b>	<b>5 189</b>	<b>613 489</b>	<b>25 927</b>	<b>10 310</b>	<b>3 007</b>	<b>1 988</b>	<b>1 340</b>	<b>4 460</b>	<b>3 080</b>	<b>695</b>	<b>1 046</b>

Халқ таълими вазирлигига  
2015 йил 12 сентябрь 259-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА

вилояти халқ таълими муассасаларида 2015/2016 йил қиш-баҳор мавсуми  
учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага ғамлаш (закладка) топширигининг  
бажарилиши тўғрисида  
МА ЎЛУМОТ

№	Туманлар ва шаҳарлар	жумладан, маҳсулотлар кесимида																	
		Жами маҳсулот		Қартошка		Пиёз		Сабзи		Карам		Мевалар		Полиэ		Гуруч		Дуққакли дон	
		Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%	Тошпирик	%
1																			
2																			



Халқ таълими вазирлигига  
2015 йил 12 сентябрь 259-сонли буйруғига  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ вилояти халқ таълими муассасаларида 2015/2016 йил қиш-баҳор мавсуми учун  
асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага ғамлаш (закладка) топширигининг  
бажарилиши тўғрисида  
М А Ў Л У М О Т

Т/р	Муассасалар номи	Маҳсулотлар номи	Захирага ғамлаш (тонна)		Талаб этилаётган маблаг (минг сўм)	Мавжуд маблаг (минг сўм)	шундан		Тузилган шартнома		Амалга оширилган тўлов (минг сўм)	Тайёрловчи корхона
			река	икро			бюджет маблаглари	ота-оналар маблаглари	маҳсулот миқдори	суммаси (минг сўм)		
		Картошка										
		Пийёз										
		Сабзи										
		Карам										
		Мевалар										
		Полиз										
		Гуруч										
		Дуккакли дон										

Т/р	Муассасалар номи	Маҳсулотлар номи	Захирага қамлаш (тонна)		Талаб этилаётган маблаг (минг сўм)	Мавжуд маблаг (минг сўм)	шундан		Тузилган шартнома		Амалга оширилган тулов (минг сўм)	Тайёрловчи корхона
			режа	ижро			бюджет маблағлари	ота-оналар маблағлари	маҳсулот	суммаси (минг сўм)		
		Картошка										
		Пиёз										
		Сабзи										
		Карам										
		Мевалар										
		Полиз										
		Гуруч										
		Дуккакли дон										

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Қ А Р О Р И**

**РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги ПФ-3431-сонли Фармони, 2006 йил 31 майдаги “Умумтаълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-362-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги “2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида”ги 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” 77-сонли ҳамда 2013 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 141-сонли қарорларига асосан халқ таълими тизимида амал қилаётган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази ҳузуридаги ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўйича:

- Илмий-методик кенгашларнинг янги таҳрирдаги Низоми 1-иловага;

- Илмий-методик кенгашлар таркиби 2-иловага;  
- Илмий-методик кенгашлар ҳузуридаги ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўйича экспертлар таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари ўз тасарруфидаги муассасаларда фаолият кўрсатаётган ва Илмий кенгаш аъзолари бўлган профессор-ўқитувчиларни, илмий-педагогик кадрларни, дастур, дарслик ва қўлланма муаллифларини Республика Таълим маркази чақирувига биноан Илмий-методик кенгаш йиғилишларига юборилишини таъминласинлар.

3. Хизмат сафари харажатлари ходимларнинг асосий иш жойларидан ўрнатилган тартибда тўланиши белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 27 сентябрдаги 36-сонли ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 27 сентябрдаги 13-сонли “Республика Таълим маркази ҳузуридаги Илмий-методик кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва ижродан чиқариб олинсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Данияров ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмоновлар зиммасига юклатилсин.

**Халқ таълими вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 28 сентябрь,  
45-сон*

**У. Иноятов**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

*Тошкент ш.,  
2015 йил 28 сентябрь,  
36 ҚҚ-сон*

**А.Вахабов**

*Халқ таълими вазирлиги ва  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2015 йил 28 сентябрдаги  
45-, 36 ққ-сонли қарорига қўшма  
1-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Республика таълим маркази ҳузуридаги ўқув фанлари ва фан  
йўналишлари бўйича Илмий-методик кенгашлар тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом умумий ўрта таълим ўқув муассасалари учун фан йўналишлари бўйича, Давлат тълим стандартлари асосида ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар, тавсиялар ҳамда кўргазмалари, курсатмалари материалларни, ўқув-педагогик хужжатларни нашрга тавсия этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўйича Илмий-методик кенгашлар (Бундан буён матнда ИМК деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорига мувофиқ Республика Таълим маркази ҳузурида ташкил этилади.

2. Илмий методик кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Умумтаълим фанлари ва фан йўналишлари бўйича Илмий-методик кенгашлар таркиби 15-25 кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби ҳар 3 йилда Республика Таълим маркази (Бундан буён матнда РТМ деб юритилади) таклифига биноан қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ИМК қарори билан расмийлаштирилади.

4. Халқ таълими вазирлигининг мутахассислари фанлар бўйича иш тақсимолига кўра ИМК таркибига киритилади ва улар йиғилишларнинг мазкур Низомга биноан юксак савияда ўтказилиши ҳамда ижросининг таъминланишига масъулдирлар.

5. ИМК йиғилишларида узрли сабабларсиз 3 марта иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган аъзолар РТМ раҳбарияти билан

келишилган ҳолда, ИМК қарорига кўра, Илмий-методик кенгаш аъзолари таркибидан чиқарилиши ёки улар ўрнига янги аъзолар киририлиши мумкин.

6. ИМК раиси 3 муддатга сайланади.

7. Республика Таълим маркази ҳузуридаги ИМКлар фаолияти-ни РТМ Илмий котиби томонидан мувофиқлаштириб борилади ва раҳбариятга мунтазам равишда ахборот бериб турилади.

## II. ИМКларнинг мақсад ва вазифалари

8. Илмий-методик кенгашлар умумий ўрта таълим ўқув муассасалари ўқув режасидан ўрин олган фанлар ва фан йўналишлари бўйича муаллифларни танлаш, ижодий гуруҳларни шакллантириш, Давлат таълим стандартлари (матнда «ДТС» деб юритилади) асосида ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик қўлланмалар ҳамда тавсиялар, ўқув-педагогик ҳужжатлар, кўргазмалар, кўрсатмаларни материалларни нашрга тавсия этиш мақсадида ташкил этилади.

ИМКлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ўқув фанлари ва йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг назарий-амалий ва касбий тайёргарлик даражасини юксалтириш ҳамда таълим мазмунини такомиллаштиришга қаратилган дарслик, қўлланма, ўқув-методик адабиётлар, тавсиялар, электрон дарслик, ўқув фильмлари, аудио-видео материаллари, ўқув-педагогик ҳужжатлар, дарслик асосида яратилган мультимедиа иловаларини ҳамда кўргазмаларни қуроолларни тақриз қилиш, муҳокама қилиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

9. Фан ва йўналишлар бўйича ташкил этилган Илмий-методик кенгаш вазифалари:

Республика умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ёзилган, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ДТС ва ўқув дастурлар асосида яратилганлигини, мазмуни жиҳатидан барча талабларга жавоб беришини таъминлайди;

ўқув-лаборатория жиҳозлари, плакатлар, дидактик материаллардан дарс жараёнида фойдаланиш юзасидан яратилган тавсияларни ўқувчи ёшига мослиги, замонавий методик талабларга мувофиқлиги ҳамда танланган матн ва расмларнинг сифатли ва уйғунлиги, матнларнинг содда ва равонлиги;

электрон дарслик, ўқув фильмлари, аудио-видео материаллари дарслик асосида яратилган мультимедиа иловаларининг ДТС ва ўқув дастурига мослиги, тизимли, изчиллиги мазмуни ёритилганлиги;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун яратилган намунавий ўқув режа, дастурларнинг умумий ўрта таълим муассасаларининг таянч ўқув режа ва дастурларига мос ҳолда тузилганлиги, фанлардан олиниб, ихтисослаштирилган фанларга берилган соатлар ҳисобига киритилган мавзулар ва соатлар олинган фанларнинг ДТС талабларининг бажарилиши асосланганлиги;

дарсликни нашрга тайёрлаш жараёнида айрим сабабларга кўра муаллифлар гуруҳидан чиқишни хоҳлаган муаллифларни гуруҳдан чиқишга доир масалани ҳамда таклифлар асосида муаллифлар гуруҳига киритишга оид масалаларни муҳокама қилади ва хулосалар чиқаради.

Дарслик, ўқув қўлланмаларнинг ҳажми (бичими, босма табоғи) ни белгилайди;

Фан ва фан йўналишлари бўйича оммалаштиришга тавсия этилган илғор иш тажрибаларни ўрганади, тақдимотларини эшитади, муҳокама қилади ва оммалаштириш юзасидан хулосалар чиқаради.

Дарслик ва ўқув қўлланмаларни миллий ва хорижий педагогика ютуқлари, илғор тажрибаларга асосланган ҳолда илмий-назарий, илмий-методик, илмий педагогик жиҳатдан тўғри ёзилганлигини тақриздан ўтказишни ташкил этади ва унинг натижаларини ҳолисона, ишончли ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Кутубхона фондини тўлдириш учун бадиий адабиётлар рўйхатига таклиф киритади.

Ўқув-тарбия жараёнининг такомиллашишига, сифати ва самардорлигининг юксалишига таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги ва илмийлигини таъминлашга оид масалаларни ўрганади, муҳокама қилади ва хулосалар беради.

ИМК қарорлари олий ва ўрта махсус, умумий ўрта таълим тизими учун мажбурий кучга эга;

ИМК тавсия этган ўқув методик қўлланмалар ва бошқа материалларни нашр этиш кафолатини олмайди.

### III. Кенгашларнинг иш тартиби

10. Кенгашларнинг йиллик иш режалари ИМКларнинг ҳар йили декабрь ойида ўтказиладиган ҳисобот йиғилишларида муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун тавсия қилингандан сўнг ИМК раиси томонидан тасдиқланади. Йил давомида ушбу режа асосида фаолият кўрсатади. Фаолият давомида иш режага таълим-тарбияга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгаришлар киритилиши мумкин.

11. Ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўйича ИМК йиғилишлари ҳар чорақда ўтказилади. Айрим зарур ҳолларда ИМКнинг навбатдан ташқари йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

12. Кенгаш йиғилиши ИМК раиси, у йўқ пайтда унинг ўринбосари томонидан олиб борилади. ИМК йиғилишларида ИМК аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади ва унинг қарорлари аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

13. ИМК йиғилишлари баённомалари бет рақамлари кўрсатилган, шнурланган ва РТМ муҳри билан тасдиқланган махсус дафтарга тўлалигича йиғилиш ўтган кундан бошлаб 3 кун муддатда расмийлаштирилади. Кенгашда муҳокама этилган масалалар зарурат бўлганда, қўлёзмалар бўйича йиғилиш баёнидан 3 нусхадан кўчирмалар тайёрланади ва РТМнинг «Дарслик, наشريётлар ва муаллифлар билан ишларни ташкил этиш» бўлимига, шунингдек, талаб қилинган муассасалар ва шахсларга тасдиқланган ҳолатда тақдим этилади.

14. ИМК йиғилиши баённома дафтарлари ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўлимлари томонидан ҳар уч йилда бир маротаба РТМнинг «Дарслик, наشريётлар ва муаллифлар билан ишларни ташкил этиш» бўлимига архивга топшириш учун бериб борилади. Мазкур дафтарлар Халқ таълими вазирлиги архивида 25 йил сақланади.

#### **IV. Илмий-методик кенгаш ишининг мазмуни ва ҳуқуқлари**

15. Илмий-методик кенгашлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Республика Президенти ва Ҳукуматининг таълимга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг барча бўғинлари, хусусан умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув режаси, дастур, дарслик ва бошқа адабиётлар, кўрсатмали ва кўргазмали материалларни муҳокамасини ташкил этади ва уларни чоп этиш ёки қайта ишлаш, такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз қарорларини қабул қилади ва ўз тавсияларини муаллифларга, наشريётлар ҳамда РТМ бўлимларига тақдим этади.

16. Белгиланган вазифадан келиб чиққан ҳолда ИМК Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хуна таълими Маркази, Республика Фанлар академияси тизимидаги институтлар, марказий ва вилоят методика марказлари, халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Соҳанинг таниқли мутахас-

сислари ва тажрибали педагогларни кенгаш йиғилишларига, экспертизалар ўтказишга, тақриз ҳамда тахрир ишларига жалб этади.

17. Жойлардаги илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, ўқув-тарбия ишларнинг мазмунини аниқлаш, ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, методик ва кўргазмалар қўлланмалар самарадорлигини ўрганиш ишларини амалга оширади.

18. Муаллифлик фаолияти, ўқув-тарбия ишининг аҳволи тўғрисида педагогика олий ўқув юртлари ва халқ таълими муассалари масъул ходимлари ахборотини эшитади, мазкур масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилади.

19. ИМК таълим соҳасидаги янгиликларни жорий этиш ва оммалаштиришда алоҳида ўрнатилган кўрсаткич кенгаш аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга тавсия этади.

### **V. ИМК йиғилишларида муҳокамаларни ўтказиш тартиби**

20. Муҳокамага бериладиган қўлёзма муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган ариза, қўлёзма тайёрланган муассаса йўлланмаси ҳамда илмий кенгаш қарори, ишнинг мухтасар баёни ва қўлёзмаларга олим, методист, амалиётчилар томонидан берилган 3 та тақриз билан бирга икки нусхада РТМ “Назорат-таҳлил” бўлимига топширилади ва рўйхатдан ўтказилади. Қўлёзма РТМ директорининг имзоси билан ИМК муҳокамасига қўйиш учун тегишли фан ёки фан йўналишлари бўйича ИМК котибларига топширилади.

21. Қўлёзма ИМК томонидан қабул қилинганидан сўнг унга 1 ой муддат ичида камида уч нафар соҳа мутахассисларидан (шулардан бир нафари ИМК аъзоси бўлиши шарт) тақриз олинади. Айрим мунозарали қўлёзмаларни муҳокама қилиш пайтида баҳсли ҳолат юзага келганда ушбу қўлёзмага жамоатчи экспертлардан камида 3 нафарининг тақризи олинishi белгиланади. Муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи аъзолари муҳокамадан камида 1 ҳафта олдин тақризлар билан таништирилади ҳамда уларга тақризчилар таклифларини инobatга олиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга имконият бериллади.

22. ИМКлар тасдиқланган йиллик иш режаси асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши лозим ва кун тартибига киритилган масалалар ИМК котиблари томонидан пухта тайёрланиши шарт.

23. Кенгаш котиби томонидан ИМК йиғилишининг санаси, вақти хусусида тадбир ўтказилишидан камида икки ҳафта олдин аъзолар ва муаллифлар хабардор қилинади. Кенгаш йиғилишлари ва

кўлёмалар муҳокамасига ИМК аъзоларидан ташқари тегишли ва- зирликлар ва РТМ раҳбарияти, таниқли соҳа мутахассислари так- лиф этилиши ҳамда уларга кўлёмалар юзасидан ўз фикр-муло- ҳазаларини баён этиш имконияти берилиши мумкин. Бироқ улар овоз бериш жараёнида қатнашмайдилар.

24. Дастур, дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг илк муҳокамасини ишчи гуруҳи иштирокида ташкил этади.

25. Йиғилиш жараёнида юз берган мунозараларни ҳолисона ва одилона ҳал этиш мақсадида ИМКлар ҳузурида 5-9 кишидан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилади ва унинг аъзолари “Дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш Ни- зоми” га биноан фаолият кўрсатади.

26. Халқ таълимининг долзарб масалаларини тезкор ҳолда ҳал этиш учун ИМК йиғилишида кўриб чиқилган ва зарурий тузатишлар киритилган кўлёмалар ИМК раиси ёки ўринбосари раҳбарлигида ИМК томонидан белгиланган “Ишчи гуруҳ” аъзолари билан ўтка- зилган йиғилишларда қайта муҳокама қилиниши ва хулосалар бе- рилиши мумкин

## VI. Илмий-методик кенгаш раиси

27. ИМК раиси фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, ўзининг илмий-педагогик ва методик ишлари билан Рес- публикада танилган, бироқ амалдаги дарсликларнинг муаллифи бўлмаган ИМК аъзолари орасидан тайинланади.

28. Кенгаш раиси ИМКга жамоатчилик асосида раҳбарлик қилади.

29. ИМКга раислик қилаётган шахс фикрлар хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда кўлёмма ёки масала муҳокамасининг фаол- лик, ошкоралик руҳида ташкил этилиши ҳамда адолат, ҳаққонийлик мезонларига қатъий амал қилиши шарт.

30. ИМК раиси йиғилиш кун тартиби, регламентини аниқлайди ва тасдиқлатиб олади. Раис йиғилиш жараёнида адолатсизлик, ўз- бошимчалик, ноўрин, ахлоқ-одоб доирасидан чиқиш каби салбий хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши зарур. Муҳокама жараёнида у ёки бу масалалар юзасидан баҳс-мунозарали фикр-мулоҳазалар баён этилган тақдирда, мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш, муаллиф ёки эътироз билдирган шахсларни муроасага келтириш йўлидан бориши, бунда ўз хулоса- ларини илмий ва методик жиҳатдан чуқур асослаб бериши лозим.

31. ИМК раиси йиғилиш иш режасини, уларда кўриладиган ма- салаларни тайёрлашга ҳамда қарорлар ижросини таъминлашга масъулдир.

**VII. Илмий – методик кенгаш масъул котиби**

32. Республика Таълим маркази бўлимларида шу соҳа бўйича ишлаётган методистлар ИМКнинг ўқув фанлари ва фан йўналишлари бўйича масъул котиби этиб тайинланади.

33. Котиб ИМК ишини асосий иш фаолиятининг таркибий қисми сифатида олиб боради.

34. Мажлисларда кўриб чиқиш учун зарурий материалларни тайёрлайди. ИМК қарорлари, раис топшириқларининг бажарилишини таъминлайди, аъзоларга кенгаш ҳақида хабар беради ва улар иштирокини назорат қилади, ҳужжатларни расмийлаштиради, уларнинг талаблар даражасида сақланиши учун жавоб беради. Баённомада кун тартибидаги масалалар мавзуси аниқ ифода этилиши, бирдан ортиқ масалалар муҳокама этилган тақдирда уларнинг ҳар бири алоҳида рақамланиши, мазмуни чуқур ёритилиши ҳамда ҳар бири учун алоҳида қарор қабул қилиниши зарур.

35. Дафтардаги ёзувлар кирилл ёки лотин алифбосида ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги ва «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш» тўғрисидаги қонунларига, «Ўзбек тилининг имло қоидалари»га қатъий риоя этилган ҳолда саводли, мазмунли, тушунарли ва раван услубда битилиши шарт.

36. Баённомалар мазмунан тўртта қисмдан иборат бўлади: «I. Қатнашдилар:», «II. Кун тартиби:», «III. Эшитилди:», «IV. ИМК қарор қилади:» Баённомалар дафтаридagi саҳифалар рақамланади ва дафтар саҳифалари шнурланади, РТМ Илмий котиби томонидан тасдиқланади ва муҳрланади. Ёзувларни ўзбошимчалик билан ўзгартириш, қўшимча ёзувларни киритиш, ифлос қилиш, қўшимча саҳифаларни ёпиштириш ёки дафтар бетларини йиртиб олиш қатъиян ман этилади.

37. Йиғилиш баённомаси ИМК раиси ва котиби томонидан имзоланиши ва 2 кун ичида расмийлаштирилиши талаб этилади. Баённома кўчирмалари эса ИМК котиби, РТМ илмий котиби томонидан “аслига тўғри” деб имзоланади ва уларга РТМ «Назорат-таҳлил» бўлимининг муҳри қўйилади.

38. ИМК котиби баённома дафтарининг авайлаб сақланиши, ундаги ёзувларнинг тўғрилиги, қисқача тайёрланган кўчирмаларнинг аслига мослиги учун жавобгардир.

39. Кенгаш котиби таълим муассасалари учун яратиладиган дарсликни даврийлиги асосида нашрга тайёрлаш ишларини мониторингини олиб боради ва сифатли нашрга тайёрлашни назорат қилади ўқув жараёнларини такомиллаштириш, фанини ривожлантиришга

тааллуқли илмий-методик ишларни, белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ИМК юклатилган вазифалар юзасидан бажарилган ишларнинг натижалари бўйича маълумотлар ва таҳлилий материалларни тайёрлайди

40. ИМК котиби ўз вазифасини бажара олмаган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда унга юклатилган вазифани РТМ раҳбарияти кўрсатмасига биноан мазкур йўналишдаги бўлим ходимларидан бири вақтинчалик амалга оширади. ИМКнинг навбатдаги ййгилишида ИМК котиби вазифасига янги ходим тасдиқланади.

### **VIII. Илмий-методик кенгаш аъзолари ва уларнинг ҳуқуқ, бурчлари**

41. ИМК аъзоси шу соҳа бўйича илмий, методик ва амалий ишлари билан Республикада танилган олимлар, методистлар, тажрибали ўқитувчилар орасидан танланади ва Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

42. ИМК аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадилар ҳамда таълим жараёнининг замонавий талаблар асосида такомиллаштириши ва ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

43. ИМК аъзолари ўзлари аъзо бўлган фан йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлар ва дарсликлар ҳамда ўқув методик мажмуалардан хабардор бўлиши, қўлёзмаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиши шарт. Бунда улар ҳеч қандай тарафкашликка, гуруҳбозликка берилмасликлари, қўлёзмалар юзасидан объектив, адолатли ва ҳаққоний хулосалар беришлари талаб этилади ҳамда уларнинг мазмунан қўйилган талабларга жавоб беришларига масъулдирлар.

44. Аъзолар ва таклиф этилган мутахассислар дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг сифати ва самарадорлиги хусусида, шунингдек, умумий ўрта, махсус таълим мактабларидаги ўқув-тарбия жараёнини янада яхшилаш ва такомиллаштириш ҳамда турли муаммоларга оид масалаларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берадилар.

45. Таълим бериш методикасига оид илмий ишлар (диссертация ва монографиялар) га хулоса беришда иштирок этадилар.

46. Педагогика фани ютуқлари, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда ўринли фойдаланиш юзасидан тавсиялар тайёрлайдилар.

47. Жойларда ўқув дарсликлари, методик адабиётлар, қўлёзмаларни муҳокама қилишга бағишланган анжуманларни ўтказишда иштирок этадилар.

48. Илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят методик марказларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

49. Вазирликлар Республика Таълим маркази ИМК аъзоларининг ўз фаолиятларини самарали амалга оширишлари учун зарур ҳолларда асосий иш жойида тегишли шарт-шароитларнинг яратилишини таъминлайдилар.

50. ИМК аъзоларининг кенгашларда иштирок этганликлари учун сарфлаган вақти ўқув юкмасига ўртача 40 соат миқдорида киритилади.

### **IX. Илмий-методик кенгашнинг молиявий таъминоти**

51. ИМК аъзоларининг сарф-харажатлари асосий иш жойлари ҳисобидан тўланади.

52. ИМК қарорига кўра унинг фаолиятида фаол иштирок этган кенгаш раҳбарияти ва аъзолари вазирликларининг тармоқ мукофотлари билан ҳамда таълим муассасаси ёки институтнинг ректор фонди ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан рағбатлантиришга тавсия этилади.

53. Фан йўналишида Илмий раҳбар этиб сайланган ИМК аъзоларининг тажриба-синов майдончаларида ва жойларда амалий ёрдам бериш давомидаги хизмат сафари харажатлари бевосита уларнинг асосий иш жойларидан тўланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 30 сентябрь

270-сонли

### Б У Й Р У Қ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ТИЗИМИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИ-ҚИЗЛАРИ  
ЎРТАСИДА “ОРАСТА ҚИЗЛАР” КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сонли қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастурининг 40-бандига мувофиқ ҳамда ўқувчи-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, уларни ота-оналар ва ҳар бир кекса кишини эъзозлаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг аҳамиятини ошириш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида “Ораста қизлар” кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида “Ораста қизлар-2015” кўрик-танловининг

1-босқичи 2015 йилнинг 2-7 октябрь кунлари, 2-босқичи 2015 йилнинг 10-17 октябрь кунлари, 3-босқичи 2015 йилнинг 20-27 октябрь кунлари, 4-босқичи 2015 йилнинг 7 ноябрь куни Республика болалар кутубхонасида ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида “Ораста қизлар-2015” кўрик-танловини юқори савияда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага, 4-босқични ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳи (Д.Кенжаев) га:  
жойларда кўрик-танловнинг 1-3-босқичларини кўтаринки руҳда ташкил этилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

кўрик-танловнинг республика босқичида иштирокчиларнинг бажарган ишларини баҳолаш учун Ҳайъат аъзоларини шакллантириш;

кўрик-танловнинг республика босқичини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

кўрик-танловнинг 1-3-босқичларини юқори савияда ўтказилишини ташкил этиш;

кўрик-танловнинг 4-босқичида қатнашувчи иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг келиши, кетиши ва кўрик-танловда иштирокини ташкил этиш учун масъул ходим тайинлаш;

кўрик-танловнинг 4-босқичида қатнашувчи иштирокчиларнинг келиши ва кетиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш масалаларини ҳал этиш вазифалари топширилсин.

6. “Баркамол авлод” республика болалар экология ва ўлкашунослик маркази (Л.Ешмурзаева) кўрик-танловнинг 4-босқичига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган иштирокчиларни турар жой билан таъминлаш масалаларини ҳал этсин.

7. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) мазкур буйруқнинг 3-иловасига мувофиқ харажатлар сметаси асосида маблағларни Республика болалар кутубхонасига ўтказиб берсин.

8. Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) харажатлар сметасига мувофиқ танлов савдоларини ташкил этган ҳолда харажатларни амалга ошириш, кўрик-танлов якунлангандан кейин 10 кун муддатда амалга оширилган харажатлар бўйича вазирликка ҳисобот бериш вазифаси топширилсин.

9. Вазирликнинг ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) кўрик-танловнинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигининг  
2015 йил 30 сентябрдаги 270 -сонли буйруғига  
1-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида  
“Ораста қизлар” кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сонли қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” давлат дастурининг 40-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ораста қизлар” кўрик-танлови (кейинги ўринларда кўрик-танлов) ни ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилади.

**2-боб. Кўрик танловнинг мақсади**

3. Қуйидагилар кўрик-танловнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

ўқувчи-қизларда экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

ўқувчи-қизларда ўзининг, оиласининг, маҳалласининг ва атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборини кучайтириш;

ўқувчи-қизларнинг ўзаро муносабатларидан унумли фойдаланган ҳолда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;

ёш авлодда ота-оналар ва ҳар бир кекса кишини чуқур ҳурмат

қилиш, эъозлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғусини шакллантириш, оила ва жамиятда кексаларнинг ўрни ва обрўсини ошириш.

### 3-боб. Кўрик танловни ташкил этиш тартиби

4. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларининг VIII-IX синф ўқувчи-қизлари ўртасида ташкил этилади.

5. Кўрик-танлов 4 босқичда ўтказилади:

1-босқич: мактаб босқичи;

2-босқич: туман (шаҳар) босқичи;

3-босқич: худудий босқич;

4-босқич: республика босқичи.

6. Кўрик-танловнинг 1-босқичини ўтказиш умумтаълим мактаби директорининг буйруғи асосида ташкил этилиб, унда умумтаълим мактабининг VIII-IX синфларида таълим оладиган барча ўқувчи-қизлар қатнашади.

Кўрик-танловнинг 1-босқичида ўқувчи-қизлар учун қўйиладиган талаблар, 1-босқични ўтказиш шартлари ва баҳолаш мезонлари тегишли умумтаълим мактаби томонидан ишлаб чиқилади ва кўрик-танловнинг барча иштирокчилари учун бир хилда амал қилади.

Умумтаълим мактаби директори ўқувчи-қизларнинг эришган натижаларини холисона баҳолаш учун 3-5 нафар ўқитувчилардан иборат ҳайъат аъзоларини тайинлайди.

Умумтаълим мактаби ўқувчи-қизларга қўйиладиган талаблар ва 1-босқични ўтказиш шартларини ишлаб чиқишда, талаблар ва шартлар мазкур низомнинг 3-бандида назарда тутилган кўрик-танловнинг мақсадларига мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Умумтаълим мактаблари директорлари кўрик-танловнинг 1-босқичи ўтказилгандан кейин 3 кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига кўрик-танловнинг 1-босқичи якунлари ва 2-босқичга ўтувчи иштирокчилар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

7. Кўрик-танловнинг 2-босқичи туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг буйруғи асосида ташкил этилиб, туман (шаҳар) даги умумтаълим мактабларида ўтказилган кўрик танловнинг

1-босқичида 1-ўринни эгаллаган ғолиб ўқувчи-қизлар ўртасида ташкил этилади.

Кўрик-танловнинг 2-босқичида ўқувчи-қизлар учун қўйиладиган талаблар, 2-босқични ўтказиш шартлари ва баҳолаш мезонлари тегишли туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ишлаб чиқилади ва барча иштирокчилар учун бир хилда амал қилади.

Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўқувчи-қизларнинг эришган натижаларини ҳолисона баҳолаш учун 3-5 нафар методистлардан иборат ҳайъат аъзоларини тайинлайди.

Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ўқувчи-қизларга қўйиладиган талаблар ва 2-босқични ўтказиш шартларини ишлаб чиқишда, талаблар ва шартлар мазкур низомнинг 3-бандида назарда тутилган кўрик-танловнинг мақсадларига мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари кўрик-танловнинг 2-босқичи ўтказилгандан кейин 3 кун муддат ичида тегишли ҳудудий халқ таълими бошқарув органига кўрик-танловнинг 2-босқичи яқунлари ва 3-босқичга ўтувчи иштирокчилар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

8. Кўрик-танловнинг 3-босқичи ҳудудий халқ таълими бошқарув органи раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этилиб, туман (шаҳар) ларда ўтказилган кўрик танловнинг 2-босқичида 1-ўринни эгаллаган ғолиб ўқувчи-қизлар ўртасида ташкил этилади.

Кўрик-танловнинг 3-босқичида ўқувчи-қизлар учун қўйиладиган талаблар, 3-босқични ўтказиш шартлари ва баҳолаш мезонлари ҳудудий халқ таълими бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилади ва ҳудудга кирувчи барча туман (шаҳар) лар учун бир хилда амал қилади.

Ҳудудий халқ таълими бошқарув органи раҳбари ўқувчи-қизларнинг эришган натижаларини ҳолисона баҳолаш учун 5 нафар мутахассислардан иборат ҳайъат аъзоларини тайинлайди. Ҳайъат аъзолари таркибига давлат ва хўжалик бошқарув органларидан вакиллар киритилиши мумкин.

Ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари ўқувчи-қизларга қўйиладиган талаблар ва 3-босқични ўтказиш шартларини ишлаб чиқишда, талаблар ва шартлар мазкур низомнинг 3-бандида на-

зарда тутилган кўрик-танловнинг мақсадларига мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Худудий халқ таълими бошқарув органлари кўрик-танловнинг 3-босқичи ўтказилгандан кейин 3 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига кўрик-танловнинг 3-босқичи яқунлари ва 4-босқичга ўтувчи иштирокчилар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

9. Кўрик-танловнинг 4-босқичи худудий халқ таълими бошқарув органларида ўтказилган кўрик-танловнинг 3-босқичида 1-ўринни эгаллаган голиб ўқувчи-қизлар ўртасида ташкил этилади.

Кўрик-танловнинг 4-босқичини юқори савияда ташкил этиш учун Халқ таълими вазирлигида махсус ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ кўрик-танловнинг 4-босқичи иштирокчиларини кутиб олиш, уларни жойлаштириш, кўрик-танловнинг юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтишини ташкил этади.

Кўрик-танловнинг 4-босқичи иштирокчиларининг белгиланган шартлар бўйича бажарган ишларини баҳолаш учун ишчи гуруҳ томонидан ҳайъат аъзолари тайинланади.

Ҳайъат аъзолари 5 нафар тажрибали мутахассислардан иборат бўлиб, улардан 1 нафари Ҳайъат раиси этиб тайинланади.

Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган мезонлар асосида иштирокчиларнинг бажарган ишларини ҳолисона баҳолайди.

Иштирокчилар томонидан Ҳайъат аъзоларининг чиқарган хулосаларига нисбатан эътирозлар билдирилган тақдирда масала ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

10. Кўрик-танловни ўтказиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгилаб берилади.

## **2-боб. Кўрик-танловнинг республика босқичи шартлари ва баҳолаш мезонлари**

11. Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирокчилар қуйидаги 5 та шарт асосида беллашади:

1-шарт: таништирув;

2-шарт: савол-жавоб;

3-шарт: уй-рўзгор юмушлари;

4-шарт: ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлиги;

5-шарт: эркин мавзуда ўз иқтидорини намоиш қилиш.

12. 1-шарт (таништирув) да ҳар бир иштирокчи 5 дақиқа давомида мактабнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга бўлган муносабатини намунавий кўринишлар орқали акс эттириб бериши ҳамда одоб-ахлоқ ва соғлом турмуш тарзига оид ўзи яратган ижод намуналарининг кўргазмасини намойиш этиши керак.

Иштирокчиларнинг ижод намуналари тасвирий санъат, ҳайкал-тарошлик асарлари, каштачилик, зардўзлик ва амалий санъатнинг бошқа турларида ишланган асарлар бўлиши мумкин.

Иштирокчиларнинг 1-шартни бажариш даражасига қараб 10 баллгача баҳоланади. Бунда, шартни аъло даражада бажарган иштирокчига 10 балл, яхши даражада бажарган иштирокчига 7 балл, қониқарли даражада бажарган иштирокчига 4 балл қўйилади.

Иштирокчиларнинг шартни бажариш маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ҳайъат аъзолари томонидан оралиқ баллар (0, 1, 2, 3, 5, 6, 8, 9) белгиланиши мумкин.

13. 2-шарт (савол-жавоб) да иштирокчилар 5 дақиқа давомида таълим-тарбия жараёни ёки оилада учрайдиган муаммоли вазиятлар бўйича тайёрланган 5 та саволга жавоб беришлари лозим.

Бунда ҳар бир саволга 1 дақиқа вақт ажратилади.

Иштирокчиларнинг ушбу шартни бажариш даражаси уларнинг маҳоратига қараб ҳар бир саволга берилган тўғри жавоб учун 2 балл, жами 5 та саволга берилган тўғри жавоб учун 10 баллгача баҳоланади.

Саволлар кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан тузилиб, ёпиқ конвертларда олиб чиқилади.

14. 3-шарт (уй-рўзғор юмушлари) да иштирокчилар 5 дақиқа давомида пазандалик маҳоратини намойиш этишлари лозим. Бунда ўқувчи-қизлар картошка тозалаш, сабзи тўғраш, хамир ёйиш ва шу каби бошқа топшириқларни бажарадилар.

Иштирокчиларнинг ушбу шартни бажариш даражаси уларнинг маҳоратига қараб 10 баллгача баҳоланади. Шартни аъло даражада бажарган иштирокчига 10 балл, яхши даражада бажарган иштирокчига 7 балл, қониқарли даражада бажарган иштирокчига 4 балл қўйилади.

Иштирокчиларнинг шартни бажариш маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ҳайъат аъзолари томонидан оралиқ баллар (0, 1, 2, 3, 5, 6, 8, 9) белгиланиши мумкин.

15. 4-шарт (ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш кўникмалари)да иштирокчилар 10 дақиқа ичида интернет

тармоғи орқали ўзи ўқийдиган мактаби, яшайдиган тумани (шаҳри) ҳақида маълумот олиш ҳамда мазкур маълумотларни ўзининг электрон почтаси орқали белгиланган манзилга юбориши лозим.

Иштирокчиларнинг ушбу шартни бажариш даражаси уларнинг кўрсатган натижаларига қараб 10 баллгача баҳоланади. Шартни аъло даражада бажарган иштирокчига 10 балл, яхши даражада бажарган иштирокчига 7 балл, қониқарли даражада бажарган иштирокчига 4 балл қўйилади.

16. 5-шарт (эркин мавзу) да иштирокчилар 5 дақиқа давомида ўзининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда қобилият ва истеъдодларини намойиш этишлари лозим. Бунда иштирокчилар қўшиқ айтиш, мусиқа чолғуларини чалиш, шеърни ифодали ўқиш, рақс тушиш ёки ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб исталган соҳадаги бошқа маҳоратларини кўрсатишлари мумкин.

Иштирокчиларнинг ушбу шартни бажариш даражаси уларнинг кўрсатган натижаларига қараб 10 баллгача баҳоланади. Шартни аъло даражада бажарган иштирокчига 10 балл, яхши даражада бажарган иштирокчига 7 балл, қониқарли даражада бажарган иштирокчига 4 балл қўйилади.

17. Иштирокчилар белгиланган 5 та шартни юқори даражада бажарган тақдирда максимал 50 балл тўплашлари мумкин.

Энг юқори натижа кўрсатган 3 нафар иштирокчига уларнинг тўплаган балларининг миқдорига қараб 1,2, 3-ўрин берилади.

Агар ғолибликка даъвогар бўлган иштирокчиларнинг тўплаган баллари тенг бўлиб қолганда, ҳайъат аъзолари ғолиб иштирокчини қўшимча шартлар белгилаш орқали аниқлайди.

### **3-боб. Ғолибларни тақдирлаш**

18. Кўрик-танловнинг барча босқичларида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ғолиб иштирокчилар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлиқлар ва бошқа моддий ва маънавий совғалар билан рағбатлантирилади.

Ташкилотчилар томонидан ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кўрик-танловга рағбатлантирувчи ўринлар ёки номинациялар жорий этилиши мумкин.

19. Кўрик-танловнинг 1-босқичи ғолиблари умумтаълим мактаби томонидан, 2-босқичи ғолиблари туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан, 3-босқичи ғолиблари ҳудудий халқ таълими

бошқарув органлари томонидан, 4-босқичи ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдирланади.

20. Кўрик-танловнинг 4-босқичида 1, 2 ва 3-ўринлардан ташқари 1 та номинация тайинланади. Номинация йўналиши ва номинациянинг номланиши Кўрик-танловни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан белгилаб берилади.

Кўрик-танловнинг 4-босқичида 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган ғолиб иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этиладиган “Маҳалланинг энг ораста қизлари” республика форумида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

### **6-боб. Якуний қоида**

21. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тадбирни ўтказишга мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқа талаблар белгиланган тақдирда ёки вазирлик раҳбарияти ташаббуси билан низом талабларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 30 сентябрдаги 270-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
тизимидаги умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида  
“Ораста қизлар – 2015” кўрик-танловини ўтказиш бўйича  
ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

Т/р	ФИО	Лавозими
1.	Д.Кенжаев	Вазир ўринбосари - ишчи гуруҳ раиси
2.	Ҳ.Даминов	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи - ишчи гуруҳ раиси ўринбосари
3.	Л.Муҳитдинова	Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими етакчи назоратчиси - масъул котиб
4.	Қ.Атамирзаев	Муסיқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи - аъзо
5.	Ж.Камолов	Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи - аъзо
6.	Б.Рўзимуродов	Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бош назоратчиси
7.	Б.Шайвалиев	Ахборот хизмати раҳбари
8.	Д.Ўролов	Республика болалар кутубхонаси директори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 2 октябрь

273-сонли

### Б У Й Р У Ф И

#### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими вазирлиги иш режасида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 94-бандига мувофиқ 5 та номдаги қўлланма (китоб) ларнинг умумтаълим муассасалари кутубхоналарига кирим қилинганлиги ҳолатини ўрганиш, вазирликнинг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи ижросини ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасаларида мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларининг бажарилиши ҳолатини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида

#### БУЮРАМАН:

1. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, ўрганиш саволномаси 2-иловага, фаолиятни ўрганиш ва амалий методик семинарлар ташкил этиш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳга:

ўрганиш натижасида аниқланган муаммо ва камчиликларни бар-тараф этиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув семинарлар ташкил этиш;

ҳар бир ўрганиш жараёнидан сўнг 3 кун муддатда унинг натижалари бўйича вазирлик раҳбариятига маълумот киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (И.Акбаров) ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси (Қ.Мовлянов) ишчи

гуруҳнинг самарали фаолият юритиши учун чораларни кўрсин, заруриятга кўра унинг фаолиятиги кўмаклашиш мақсадида мутахассисларни жалб этсин.

4. Ходимларнинг хизмат сафари харажатлари асосий иш жойидан тўланиши белгилаб қўйилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йил 2 октябрдаги 273-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА*

**Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

№	Фамилияси, исми ва лавозими	
1	С.Мирджалилова	Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳ раиси
2	Р.Тўлаганова	Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасалари бўлими бош мутахассиси, аъзо
3	С.Идрисхўжаева	Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази методисти, аъзо
4	Д.Мухамедова	Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 301-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо
5	Б.Солиҳова	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 58-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо
6	Х.Акбарова	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 31-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо
7	У.Ашрапова	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо
8	Д.Қорабоева	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 58-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, аъзо
9	Н.Шамсиддинова	Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 61-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо

10	Д.Атаева	Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 261-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо
11	Д.Арипова	Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 350-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси, аъзо

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йилдаги 273-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА*

### **Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ўрганиш саволномаси**

#### ***Нодавлат таълим муассасалари фаолиятига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 225-сонли қарори ижросини бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи.

2. Кадрлар салоҳияти, уларнинг малака ошириш курсларидан ўтганлиги.

3. Тарбиячиларнинг иш ҳужжатлари.

4. Гуруҳдарда болаларнинг кун давомидаги фаолияти учун ша-роитларнинг яратилганлиги.

5. Муассасанинг халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари билан ҳамкорлиги.

#### ***Вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғининг ижроси***

1. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғининг жойларга етказилганли.

2. Туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабга-

ча таълим муассасаларига 252-сонли буйруқни амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўрсатилган амалий ёрдам.

3. Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар билан ишлаш аҳволи.

**Мақтабгача таълим йўналиши бўйича:**

1. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мақтабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғининг ижроси.

2. Мақтабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари мониторингининг олиб борилиши.

3. Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар билан ишлаш аҳволи.

4. Кадрлар салоҳияти ва қўнимсизлиги.

5. Гуруҳларда болаларнинг кун давомидаги фаолияти учун шароитларнинг яратилганлиги.

6. Ота-оналар билан ишларнинг ташкил этилганлиги.

7. Мақтабгача таълим муассасалари билан қамраб олинмаган болаларни муассасага жалб қилиш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши.

8. Муассасадаги мавжуд бўлган бўш гуруҳлардан самарали фойдаланиш.

*Халқ таълими вазирининг  
2015 йилдаги 273-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА*

**Жойлардаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини  
ўрганиш ва амалий методик семинарлар ташкил этиш  
ЖАДВАЛИ**

№	Худуд	Ўрганиш вақти	Семинар мавзуси
1.	Тошкент вилояти Фарғона вилояти	2015 йил 13-31 октябрь 2015 йил 22-24 октябрь	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 94-бандига мувофиқ 5 та номдаги қўлланма (китоб)ларнинг мактаб кутубхоналарига кирим қилинганлиги ҳолатини ўрганиш
2.	Тошкент шаҳар Самарқанд вилояти	2015 йил 13-31 октябрь 2015 йил 26-31 октябрь	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 94-бандига мувофиқ 5 та номдаги қўлланма (китоб)ларнинг мактаб кутубхоналарига кирим қилинганлиги ҳолатини ўрганиш
3.	Самарқанд вилояти	2015 йил 26-31 октябрь	Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғининг ижроси ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 94-бандига мувофиқ 5 та номдаги қўлланма (китоб)ларнинг мактаб кутубхоналарига кирим қилинганлиги ҳолатини ўрганиш

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2015 йил 10 ноябрь

303-сонли

### Б У Й Р У Қ И

#### НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА АМАЛИЙ-МЕТОДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, нодавлат таълим муассасаларига амалий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида

#### БУЮРАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим фаолият тури билан шуғулланувчи нодавлат таълим муассасаларига жорий йилнинг 23-27 ноябрь кунлари Республика таълим марказининг малакали мухтаassisлари томонидан методик ёрдам кўрсатилсин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов), Умумтаълим мактабларида ўқув тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (Ш.Эргашев) ҳамда Республика таълим маркази (И.Зокиров):

- синф хоналарининг санитария нормаларига мослиги, хусусан “Физика”, “Кимё”, “Биология”, “Меҳнат таълими” ва “Чет тили” фанларига ихтисослаштирилган хоналарнинг мазкур фанлар мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиқиб жиҳозланиши;

-ўқувчиларга умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида билим бериш;

-ўқитувчилар томонидан дарс жараёнига тайёргарлик кўриш ҳолати ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тўғри ташкил этиш;

-ўқувчиларнинг дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш, хусусан 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларни

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бериладиган совгалар ва дарслик билан таъминлашни ташкил этиш;

-умумий ўрта таълим фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг (ўқув режа, ўқувчилар йиғмажилдлари, синф журналлари, ўқувчилар ҳаракатига оид буйруқлар, ўқувчилар ҳаракати дафтарлари ва ҳ.к.) юритилиши;

-маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш, хусусан “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” туркумига кирувчи фанлар ва “Дунё динлари тарихи” фанининг ўқитилиши;

-жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги машғулотларни тўғри ташкил этиш борасида методик ёрдам кўрсатилишини ташкил этсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов) методик ёрдам яқунлари бўйича таҳлилий маълумотларни 2015 йил 5 декабрга қадар вазирлик раҳбариятига киритсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**